

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“Экологик таълим ва тарбия”  
модули бўйича  
ўқув – услубий мажмуа**

**Тошкент — 2019**

## МУНДАРИЖА:

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	14
III. НАЗАРИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	17
IV. АМАЛИЙ МАШФУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	71
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	74
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ .....	75
VII. ГЛОССАРИЙ .....	78
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	80

**I. ИШЧИ ДАСТУР  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**«Тасдиқлайман»  
Тармоқ (минтақавиий)  
маркази директори  
И.Хамиджонов**

**“\_\_\_” \_\_\_\_ 2019 йил**

**“ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ”МОДУЛИНИНГ  
ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

**Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси йўналиши:** Экология ва атроф мухит муҳофазаси

**Тингловчилар контингенти:** Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари

**Тошкент – 2019**

*Мазкур иичи дастур Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 2 ноябрдаги 1023 - сонли буйргу билан тасдиқланган намунавий ўқув режса ва дастур асосида ишилаб чиқилган*

**Тузувчи:**

Тошкент автомобиль йўллари институти , ф.ф.д., профессор  
**Ю. Ш. Шадиметов**

**Тақризчи:**

ЎзМУ, ф-м.ф.д., профессор  
**Р.А. Қулматов**

*Иичи ўқув дастур ЎзМУ нинг Кенгашининг 2019 йил 29 августдаги 1 - сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган*

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори ҳамда 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 – сонли Фармонида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида “Экология ва атроф мухит муҳофазаси” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиқкан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Жамият тараққиёти нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксаклиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналтирилганлиги, инновацияларни тадбиқ этилганлиги билан ҳам ўлчанади. Демак, таълим тизими самарадорлигини ошириш, педагогларни замонавий билим ҳамда амалий кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, чет эл илғор тажрибаларини ўрганиш ва таълим амалиётига тадбиқ этиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув

режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни жамият ривожи ва таълим–тарбия жараёнининг инновацион масалалари, олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари вақонунчилик ҳужжатлари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимларидан фойдаланиш ва масофавий ўқитишнинг замонавий шаклларини қўллаш бўйича тегишли билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Механиканинг долзарб масалалари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини механика соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар, муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини аниқлаш усуллари, шунингдек, натижаларни амалий аҳамиятлари ва ишлаб чиқариш обьектларида қўллаш йўлларини ўрганиш ҳисобланади.

Модулнинг вазифаси мазкур дастур доирасида тингловчиларга назарий ва амалий механиканинг долзарб муаммоларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни ечиш усуллари бўйича назарий билим бериш ва муайян кўникмалар ҳосил қилиш ҳисобланади.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Механиканинг долзарб масалалари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- экологик таълим фанидан инновацион педагогик технологияларнинг сўнгги ютуқларини;
- экологик таълим принциплари ва йўналишларини чукур билишни ва қўллашни;
- экологик таълим принципларини узлуксиз таълимга интеграциялаш;
- илмий-тадқиқот ёки ишлаб чиқариш фаолиятида экологик таълим асосларидан фойдалана олишни;
- экологик фанларини ўқитишдаги илгор тажрибаларни *билишикерак*.

#### **Тингловчи:**

- атроф мухитни муҳофаза қилиш экологик таълим-тарбия жараёнида ёритиб беришни;
- барқорор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни;

- экологик таълимда миллий ва минтақавий ўзига хосликни ва педагогик ананаларни хисобга олган холда фаолият кўрсатиш;
- Юнеско стратегиясини асосий принципларини билишни;
- барқорор тараққиёт учун таълим тамойилларини ёритиб беришни;
- экологик таълим тарбияда иқтисодий механизмларни қўллаш **кўникумаларига** эга бўлиши лозим;

### **Тингловчи:**

- экологик таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- механика фанига тегишли асосий усулларни амалда қўллаш;
- касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- олиб борилган илмий-амалий ишлар натижалари бўйича ишланмалар ишлаб чиқиши **малакаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- замонавий педагогик технологиялардан мавзуларга мос равища ўкув машғулотларини олиб бориш;
  - экологик таълим-тарбиянинг асосий йўналишларини амалиётга тадбиқ қилишни;
  - экологик таълим-тарбияда ҳуқуқий механизимлардан фойдалана билиш;
  - экологик маданиятни шакилланишида миллий қадриятларни ўрнини ёритиб бериш; олиб борилган механик амалий тадқиқот натижаларини ўрганилаётган ҳодисаларга мутаносиблиги хақида тавсиялар бериш;
  - илмий тадқиқот ишларининг натижаларини тахлил қилиш;
  - “экологик таълимнинг глобал тармоғи”ни чкуқур билиш ва уни умумий таълимга интеграциялаш;
- ўкув масканларида фан соҳаси ихтисослигидан келиб чиқиб педагогик фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш;
- экология фанлари соҳаларида методик ҳамда экспертлик ишларини олиб бориш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Механиканинг долзарб масалалари” курси маъруза ва амалий (семинар) машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган семинар машғулотларда техник воситалардан, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, коллоквиум ўтказиш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Экологик таълим ва тарбия” модули мазмуни ўкув режадаги “Таълимда ахборот-коммуникацион технологиялар” ўкув модули билан узвий боғланган холда механиканинг долзарб муаммолари бўйича педагогларнинг қасбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар туташ мухитлар, гидротехник иншоотлар, экспериментал механика, техника, қурилиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида учрайдиган муаммоларни тадқиқ қилиш йўлларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва амалда қўллашга касбий компетентликка эга бўладилар.

### “Экологик таълим ва тарбия” модули бўйича соатлар тақсимоти

№	<b>Модулмавзулари</b>	Тингловчининг ўкув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўкув юкламаси			
			Жами	жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидағи ўрни.	6	6	2	2	2
2.	Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.	4	4	2	2	
3.	Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.	4	4	2		2
	<b>Жами</b>	<b>14</b>	<b>14</b>	<b>6</b>	<b>4</b>	<b>4</b>

### НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙМАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### **1-Мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидағи ўрни**

Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамияти. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.

#### **2-Мавзу: Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.**

Экологик таълим. Экологик таълимнинг методологик асослари. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.

#### **3-Мавзу: Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.**

Экологик таълимнинг асосий йўналишлари. Экологик таълимнинг асосий принциплари. Экологик тарбия.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

### **1-Мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидағи ўрни**

Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамияти. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар. Атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усуларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.

### **2-Мавзу: Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.**

Экологик таълим. Экологик таълимнинг методологик асослари. Экологик тарбия. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Кўчма машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот муассасалари лабораториялари ҳамда Олий Мажлиснинг Экология қўмиталарида, Экологик партияда, ишлаб чиқариш корхоналари бўлимларида ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шаклларида олиб борилади. Шунингдек, таъкидланган муассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга оширилаётган илғор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлилий шарҳлар берилиши масқадга мувофиқдир.

Кўчмамашғулотучункуйидагимавзулартавсияэтилади:

1 мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидағи ўрни.

2 мавзу: Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- ўқув, илмий адабиётлардан ва меъёрий хужжатлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;

- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик (Ақлий хужим, Вени диаграммаси, концептуал жадвал) усул ва технологиялардан фойдаланилади;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

## **АДАБИЁТЛАР**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. - Т.:“Ўзбекистон”, 2011.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2019.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.

6. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши қурашиб тўғрисида”ги Қонуни.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июнданги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини

тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятини ривожлантири чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида »ги ПҚ-4391- сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5763-сон фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли қарори.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Нодавлат таълим хизматлари қўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3276-сонли қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **III. Маҳсус адабиётлар**

22. Ишмухамедов Р.Ж., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар.– Т.: “Нихол” нашриёти, 2013, 2016.–2796.

23. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
24. Каримова В.А., Зайнутдинова М.Б. Информационные системы.- Т.: Aloqachi, 2017. - 256 стр.
25. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
26. Natalie Denmeade. Gamification with Moodle. Packt Publishing - ebooks Accoun 2015. - 134 pp.
27. Paul Kim. Massive Open Online Courses: The MOOC Revolution. Routledge; 1 edition 2014. - 176 pp.
28. William Rice. Moodle E-Learning Course Development - Third Edition. Packt Publishing - ebooks Account; 3 edition 2015. - 350 pp.
29. English for academics. Cambridge University Press and British Council Russia, 2014. Book 1,2.
30. Karimova V.A., Zaynudinova M.B., Nazirova E.Sh., Sadikova Sh.Sh. Tizimli tahlil asoslari.– Т.: “O’zbekiston faylasuflar milliy jamiyati nashriyoti”, 2014. –192 b.
31. Yusupbekov N.R., Aliev R.A., Aliev R.R., Yusupbekov A.N. Boshqarishning intellectual tizimlari va qaror qabul qilish. –Toshkent: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” DIN, 2015. -572b.
32. М.Тожиев, И.Нигматов, М.Илҳомов “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Ўқув қўлланма. Т., М.Ч. “Таълим манбай”, 2002.
33. Нигматов И., Тожиев М. “Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси”. Дарслик -Т., “Иқтисод-молия”, 2011.
34. Раҳмонов И., Ваҳобов У., Ёқубов Н. “Фавқулодда ҳолатларда шикастланганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш”. Т. “Фан”, 2004.
35. Юлдашев О., Хасanova О., Жалолов У., Турагалов Т. , Артыков.А, Хусанова С. “Аварийно-спасательные работы”. Учеб. пособие.-Т.,2008.
36. «Первая медицинская помощь на месте происшествия», Учеб.пособие для добровольных спасателей. Т. «Международная стратегия снижения риска стихийных бедствий»,2008.
37. Ў. Йўлдошев ва бошқалар. “Мехнатни муҳофаза қилиш”. Т. Мехнат, 2005.
38. А. Боймираев, Р. Бакиров, А. Деконов “Радиоактив моддалар, улар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда қутқарувчиларнинг ҳаракатлари”. Услубий қўлланма. Т. 2017
39. М. Тинибеков “Биринчи ёрдам кўрсатиш қоидалар”.Ўўқув қўлланма Т. 2017.
40. X. Комилов, О.Хусанова, Н Сайдханова “Мероприятия по профилактике эпизоотических чрезвычайных ситуаций”. Т. 2017
41. Yormatov G’.Yo, O.R.Yuldashev “Hayot faoliyati xavfsizligi”. Т. “Aloqachi” 2018
42. Cimini, Domenico, Marzano, Frank S., Visconti, Guido, Applications for

Climate, Meteorology and Civil Protection. 2007

43. John Tiefenbacher, Approaches to disaster management- examining the implications of hazards, emergencies and disasters. 2011

44. Mark A Friend, James P Kohn, Fundamentals of Occupational Safety and Health. 2015.

45. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.

46. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2018 й. 416 с.

47. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан».-Т.: “Chinor ENK”, 2012.

48. А.Э.Эргашев. Ҳозирги замоннинг экологик муаммолари ва табиат мухофазаси. Тошкент 2012 й. 403 б.

49. Смоляр, И. М. Экологические основы архитектурного проектирования: учебное пособие / И. М. Смоляр, Е. М. Микулина, Н. Г. Благовидова. – Москва : Академия, 2010. – 157 с.

50. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.

51. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Хукуматлараро эксперtlар гурухининг умумлаштирилган маърузаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

#### **IV. Интернет сайтлар**

52. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

53. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

54. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

55. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

56. [www.nature.uz](http://www.nature.uz)

57. [www.natl.uz](http://www.natl.uz)

58. [www.eco.uz](http://www.eco.uz)

59. [www.econews.uz](http://www.econews.uz)

60. [www.ozon.uz](http://www.ozon.uz)

61. [www.climate.uz](http://www.climate.uz)

62. [www.ekotalim.uz](http://www.ekotalim.uz)

[www.unesco.org](http://www.unesco.org)

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади”— инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “stadi” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гурӯҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиши

### “Ассисмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўнилмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим

олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий тахлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассисмент”лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



#### Тест

Янгилик — бу:

- A) Хабар
- B) Маълумот
- C) Даил
- D) Об-ҳаво маълумоти



#### Қиёсий тахлил

Антрапоген омиллар билан трансчегаравий омилларни қиёсий тахлил килинг.



#### Тушунча тахлили

Янгиликларни изоҳланг...



#### Амалий кўникма

“O’zbekiston” телеканали информацион дастурларида экологик янгиликлар фоизини аникланди

### Венн Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали қўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга қўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг

ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилди ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.



### **III. НАЗАРИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.**

#### **1-мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидағи ўрни**

##### **РЕЖА:**

- 1.1. Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари.
- 1.2. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши.
- 1.3. Экотизимлар ҳақида тушунча ва уннг экологик таълимдаги ахамияти.
- 1.4. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий

**Таянич иборалар:** Экологик таълим. Экологик тарбия. Экологиянинг ўрганиши обьекти. Экотизим. Биосфера. Коэволюция.

- 1.1. Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари.

XIX асирнинг бошларига келиб ғарб зиёлиларининг ижтимоий онгида янги дунёқараш тенденцияси вжудга кела бошлади, унинг марказида эса инсоннинг ўзини ўраб турган мухит билан ўзаъро таъсири туради. Бу ходисанинг иқтисодий асоси бўлиб, АҚШнинг ва бошқа ғарб мамлакатларнинг ривожланиш таърихига хос бўлган бўш қолган қишлоқ хўжалик ерларини экстенсив ўзлаштиришни секинлашиб қолганлиги сабаб бўлди.

Аммо XIX асирнинг ўрталрига келиб бўш ерлар захиралари қолмади, бу эса АҚШ таърихида биринчи маротаба экологик инқирозга олиб келди. Натижада инсон билан табиат ўртасидаги ўзаъро муносабатларда янги тизим яратиш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди.

Бундай шароитда эскирб қолган антропоцентрик қарашлардан возкечидан янги экоцентрик ижтимоий онгга ўтиш кераклиги аниқ бўлиб қолди. XIX асирнинг иккинчи ярми ва XX асирнинг бошларига келиб, биринчи экологик инқирозни англаб етилиши натижасида умумназарий ва умумбашарий дунёқарашлар пайдо бўлиб, у америкача инвайронментализм (ингл. environment – атроф мухит) деб ном олди. Бундай қарашлар атроф мухит сифатини яхшилашга қаратилган дунёқараш сифатида социология, фалсафа, сиёсий қтисодиёт, ҳуқуқшунослик, этика, эстетика, шунингдек жамоатчилик экологик харакатлари фаолиятида намоён бўлди (Дж. Пиншо, Б. Фернау ва бошқалар).

Экологик онгни шакилланиши, янги қадриятлар тизими, шахснинг экологик маданияти халаро экологик тшкилотлар фаолиятиниг асосий йўналишига айланди.

XX асирнинг 70-йларидан бошлаб Экологик таълим ва атроф мухит муҳофазаси соҳалари бўйича турли хил мамлакатларнинг харакатлари ЮНЕСКО тамонидан муофиқлаштирила бошланди, ва бундай ишлар “экологик таълимнинг глобал тармоғи”ни ташкил қилиш уни умумий таълимга интеграциялаш, ахолини экологик онгини шакиллантириш бўйича ўзининг стратегик вазифаси деб хисоблади.

Экологик таълим инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни коэволюцион (ўзаъро хамкорликда, гормоник) ривожланишидаги асосий воситалар қаторига кўтарилди. 1975 йилнинг бошларига келиб ЮНЕСКО БМТнинг атроф мухит дастури (ЮНЕП) билан хамкорликда атроф мухит соҳасидаги тълим халқаро дастурини ишлаб чиқди, биринчи бор экологик таълим концепцияси тақдим қилинди, бу эса ўз йўлида 1987 йил Москва шаҳрида ўtkazilgan "Тбилиси+10" Халқаро конгрессида янада ривожини топди.

Ижтимоий онгда экологик муаммоларни хал қилишдаги таълимни ролини ахамиятини ошишида Инсоннинг яшаш мухити хақидаги БМТнинг Конференцияси Декларация мухим рол ўйнади.

Таълимнинг глобал экологик муаммоларни хал қилишдаги чексиз имкониятлари ғояси, экологик таълимнинг узлуксизлиги принципини яратган машҳур Рим клубининг маъruzalariда ўз ифодасини топди.

1992 йил Рио-де-Жанейрода БМТнинг Атроф мухит ва ривожланиш бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди. Ушбу конференция экологик таълимнинг ривожланишини асоси сифатида конференциянинг якуний хужжатида қабул қилинган, барқарор тараққиёт учун концепцияси ижтимоий, иқтисодий ва экологик принцпларни уз ичига олган харакат дастури билан тасдиқланди.

Учинчи минг йиллик бошида дунё экологик сиёсатининг характеристери тубдан ўзгариб кетди – экологик мавзулардан тарғибот сифатида фойдаланишдан кенг кўламли континенталь ва глобал катастрофаларни бартараф қилишга қаратилган хақийқий харакатларгача.

Қўйилган бундай вазифаларни бажариш нафақат бўлажак ўзгаришларни том маъносини ва ахамиятини, янги турдаги борлиқни кераклийлигини англаб етиш, балки алоҳида олинган инсоннинг ва жамиятнинг қадриятлар ориентациясини ўзgartртиришни, устиворликларни экологик муаммоларни хал қилишнинг техникавий-иқтисодий йўналишидан мафкура, маданият ва таълимга қарата силжитишни тақозо этди.

Бунинг тасдиги сифатида 2002 йилда Йоханнесбургда бўлиб ўтган, Барқарор тараққиётга бағишлиланган давлат бошлиқларининг саммити мисол бўлади. Юқорда айтилган халқаро анжуманлар экологик таълимнинг ривожланишида янги босқични бошлаб берди.

Экологик таълим тизимини турли хил мамлакатларда шакилланши ва ривожланишида кўп жихатдан Халқаро давлат ва нодавлат экологик ташкилотларининг муофиқлаштириш роли катта бўлди. Секин аста ўкув материалларини мазмуни шакиллана бошлади, экологик таълимни тузилиши ва методлари танланиб олинди, шу жумладан миллий ва минтақавий ўзига хослиги ва педагогик ананалари хисобга олинди.

1996- 2000 йиллар давомида Педагогларнинг халқаро экологик харакати тамонидан дунёнинг ривожланган мамлакатлари тамонидан тан олинган Экологик таълим методикаси ишлаб чиқилди: “Экошунослик” (Эковедение) дастури, “Мўжизаларни хис қилиш”, ЮНЕСКО-ЮНЕП (1996) дастури , шунингдек узлуксиз экологик таълим дастури (Мауры О'Коннор 1993)

XIX асирнинг 90 – йилларидан бошлаб Ғарб мамлакатларининг таълим тизимида экологик таълимни ўрни ўзининг учта мухим дастурлари билан юқори даражада ушлаб турилди: “тоза ҳавода ўқитиш” табиатшинослик дастури, “табиатни муҳофаза қилиш дастури” унинг асосида ўқувчиларда атроф мухитга мақсадли равишда ғамхўрлик қилиш ётарди. “Махсуслаштирилган экологик таълим” дастури, аммо бу дастурни амалга оширишда ўзининг ривожланишининг бошларидаёқ кўплаб муаммолар пайдо бўла бошлади натижада янги педагогик йўлларни топишга туртки бўлди.

30 йилларга келиб Ғарбда, асосан АҚШда, инсоннинг атроф мухитга таъсирини кучайиб бориши натижасида экологик таълим янги ривожланиши даврини бошлади. АҚШнинг бир қатор штатларида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган фанларни олий тълим тизимида ўрганиш бўйича қонунлар қабул қилинди

(Теннесси, Флорида, Джорджия штатлари).

Экологик таълимга янги қизиқиши гарб педагогикасида 1962 йилда янда кучлироқ бўлди, айниқса ДДТнинг салбий экологик таъсирига бағишлиланган Р. Карсоннинг "Унсиз баҳор" номли китобини чоп этилиши билан боғлиқ бўлиди. Ушбу китобнинг таъсирида экологик таълим модели экологик этика ва таълимнинг гуманистик йўналишларга қаратилган ғоя асосида ривожланишига сабаб бўлди.

Дунёда экологик тълимнинг ривожланишини хозирги даври, хорижий мамлакатлар олимлари Ю. Одум, Дж.М. Андерсен, Э. Пианка,

Р. Риклефс, М. Бигон, А. Швейцер, Дж. Харпер, Р. Уиттекер, Н. Борлаут, Т. Миллер, Б. Небел и бошқалар номлари билан боғлиқдир.

Россиялик олимлар қаторида И.П. Герасимов, А.М. Гиляров, В.Г. Горшков, Ю.А. Израэл, Ю.Н. Куражковский, К.С. Лосев, Н.И. Моисеев, Н.П. Наумов, Н.Ф. Реймерс, В.В. Розанов, Ю.М. Свирижев, В.Е. Соколов, В.Д. Федоров, Г.И. Царегородцев, С.С. Шварц, А.В. Яблоков, А.Л. Яншин ва бошқаларни айтиш мумкин.

Ўзбекистонлик олимлардан А. Азизов, Р. Кулматов, М.Мусаев, А. Нигматов, С. Сангинов, Т.Рахимова, Н. Скрипников, Ю.Шадиметов А. Эргашев, Ж. Халмуминов, ва бошқалар экологик таълим –тарбия масалалари бўйича катта тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар.

## 1.2. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши.

Умумий экологиянинг асосий йўналишлари, принциплари ва категориал аппарати, предмети хамда вазифаларини ўрганмай туриб, экологик таълим ва тарбиядан чуқур билимга эга бўлиш мумкин эмас.

«Экология» атамаси юонча «ойкос» (уй, яшаш жойи) ва «логос» (таълимот, фан) сўзларидан ясалган. Бошқа барча билимлар йўналишлари каби экология инсониятнинг бутун тарихи давомида мўттасил, аммо нотекис ривожланган. Гиппократ, Аристотель ва бошқа қадимги юон мўтафаккирлари асарларида экологик йўналиши аниқ кўзга ташланади. Бироқ юонлар «экология» атамасидан фойдаланишмаган.

Бу иборанинг пайдо бўлгнига унча кўп вақт бўлгани йуқ -уни 1866 йил немис биолог-эволюционисти Эрнст Геккель таклиф этди. Унгача XVIII-XIX асрлар «Биологик уйғониш» даврининг буюк арбоблари билимларнинг бу соҳасига ўз хиссасини қўшган бўлсада, «экология» сўзини ишлатмаганлар. Масалан, XVIII аср бошларида микроскопчилардан бири сифатида кўпроқ машхур бўлган Антон Ван Левенгук, организмларнинг озиқ-овқат занжирлари ва организмлар сонини тартибга солишини илк марта киритган олимлардан бири бўлган (Эгертон—1969 й.), инглиз ботаниги Ричард Бредли асарлари эса, унинг биологик хосиллдорлик хусусида аниқ тасаввурга эга эканлигидан далолат беради. Бу масалаларни ўрганиш хозирги замон экологиксида муҳим йўналишни ташкил этади.

Экология тан олинган мустақил фан сифатида 1900 йилга яқин (Ю. Одум) юзага келди. Аммо унинг «экология» деб аталиб, умумий луғатга кириши фақат охирги йигирма йилликларга тўғри келади.

**Э. Геккель экология деганда табиат экономикасига (иктисодиётига) тааллуқли билимлар мажмуини тушунган. Мажму ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: тирик организмларнинг хам органик, хам ноорганик атроф-муҳит билан бўлган барча ўзаро муносабатларини, аввало — организмнинг бошқа хайвон ва ўсимликлар билан тўғридан тўғри ёки айланма kontaktда бўлиши.**

Экологиянинг хизирги замон тушунчаси: бу шундай фан бўлиб тирик организмларнинг ўзаро муносабатларини, хамда алохида олинган организмларни хам, барча популяцияларни хам атроф муҳит билан бўлган

муносабатларини Ўрганади. **Бошқача қилиб айтганда экология тирик организмларнинг атроф мухит билан бўлган муносабатларини ўрганади.** (Г. В. Стадницкий, А. И. Радионов, 1988й.)

Албатта экология хақида бошқа таърифлар хам бор. Масалан, экология организмларнинг ҳаёт фаолияти қонуниятларини (барча холатда кўринишини, барча даражадаги интеграциясини) яшаб турган табиий мухитида инсон тамонидан киритилган ўзгартиришларни иnobтга олган холда ўрганадиган фан. (В.А. Радкевич, 1972 й.).

Умумлаштириб айтганда “**Экология- барча тирик организмларнинг бир-бирлари ва атроф табиий мухит билан бўлган муносабатларини, шу муносабатлар асосида келиб чиқадиган қонуниятларни ўрганадиган фандир**” (Ю.Ш.Шадиметов, 1992 й.). Демак экологик таълим (билим) юқорида келтирилган экология ҳақидаги уммий маълумотлардан бошланади.

Хозирги замон экологиясига янада яхшироқ биологик ташкил топиш даражалари қонцепцияси асосида қўйдагича таъриф бериш мумкин, бу ўзига хос “**биологик занжир**” ташкил қиласди. (Ю. Одум, 1986 й.), булар қўйдаги расмда кўрсатилган. (Расм-1).

Биотик ком- Понентлар	Генлар. лар	Хужайра- лар	Аъзолар. Орга- низм	Популя- циялар	Туркум- лар
--------------------------	----------------	-----------------	---------------------------	-------------------	----------------

Кўшув Абиотик Компо- Нентлар Тенг Биотизими- га	Модда	Энергия			
	Генетик тизим- лар	Хужайра тизимлари	Организм- тизимлари	Популя- тизими	Экоти- зимлари

1. Уюшганлик даражалари спекти экологик спектининг ўнг қисмидаги организмлар даражаларини, яъниорганизмлардан экотизимларгача бўлган даражалари ўрганади(Ю. Одул бўйича)

Ҳаётни биологик ташкил бўлиш даражаси спектри. Экологик спектрнинг ўнг тамонидаги даражаларни ўрганади, организмлардан тортиб то экотизимлар даражасигача. (Ю. Одум бўйича).

**Популяция** (хамжамоа). Организм, орган, хужайра, ген –булар ҳаётнинг асосий биологик ташкилий даражларидир, расмда улар иерархик тартибда жойлашган бўлиб катта тизимлардан кичик тизимларгача давом этади. Назарий жихатдан бундай даражалар спектори, нурланиш спектрофи ёки логарифмик шкала каби икки тамонга қараб чексиз давом этиши мумкин.

Иерархия – бу “қадамма-қадам юқори босқичларга кўтарилиш”. Ҳар бир даражага кўтарилиш (пилла почадан) атроф физик мухити (энергия ва модда) таъсирида функционал тизимга хос хусусият пайдо бўлади. **Тизим деганда биз “ягона бирликни хосил қилувчи, ўзаъро таъсири қилувчи ва ўзаъро боғлиқ бўлган батартиб компонентларни” тушунамиз.**

Бошқача нуқтаи назарда “тизим – реал ва концептуал бирликни идентификациялашга имкон берувчи ўзаро боғлиқликлар тўплами” (Ласло,

1972). Тирик компонентларни ташкил қылувчи тизим (Биологик тизим ёки биотаизим) хохлаган даражада, ёки оралиқ даражада ажратиб ўрганиши мүмкін бўлган обьект ҳисобланади (1-расм). Масалан “хўжайин-паразит” тизими ёки ўзаро боғлиқ бўлган икки турдаги тизим (масалан қўзиқорин билан сув ўтларини хамкорликда яшashi натижасида лишайникни пайдо бўлиши) популяциялар билан хамжмоанинг оралиқ даражаси ҳисобланади.

Экология асосан ушбу спектогнинг ўнг тамонида жойлашган организмдан юқори бўлган тизимларни ўрганади. Экологияда аввалда одамлар гурухни англатувчи “популяция” тушунчасига кенгроқ маъно берилиб организмлар (особи) турлари деб аталган. Худди шундай хамжамоа (айрим вақтда биотик хамжамоа хам деб аталади) экологик маънода шу жойда жойлашган барча популяцияларни ўз ичига олади.

**Хамжамоа ва жонсиз муҳит ўзаро функцияга киришиб экотизим ёки экологик тизимни хосил қиласи** бу хақда кейинроқ батафсил гаплашамиз. Хамжамоага ва экотизимларга кўпинча адабиётларда ишлатиладиган биоценоз, биогеоценоз тушунчаси тўғри келади.

Иерархик қараашлар мураккаб жараёнларни ва кенг градиентларни алохида ажратиб ўрганишга катта ёрдам беради. Новиков (1945) айтганидай, коинот узлуксизлиги ва дискретлийлиги (ўзлуклийлиги) билан ажралиб туради. Ривожланишни узлуксизлик деб қарааш мүмкін, узлуксиз жараён каби, чунки у охири бўлмайдиган ўзгаришларга тўла, шу билан бирга ривожланиш дискретли бўлиб, у алохида ташкиллик даражаларини ўзлукли босиб ўтади.

Ҳаётнинг ташкилийлиги энергиянинг доимий ва босқичма- босқич оқими билан қўллаб-куватланиб туради. Шидай қилиб босқичли қаторларни ёки иерархияларни компонентларга бўлиниши, кўпчилик холатда суний, лекин айрим пайтлаларда бундай бўлиниш табиий силжишларга асосланган бўлиши мүмкін. Биотаизим спекторининг хар бир даражаси “интеграциялашган”, ёки бошқа тизимлар билан қадимги бўлгани учун, улар орасида аниқ чегарани ва бўлинишларни функционал маънода топиш қийин бўлади. Масалан популяциядан ажралган оргагнизм узоқ яшаш имкониятига эга бўлмагандай, организмдан ажратилган орган хам ўз-ўзини қўллаб турувчи ўз организмисиз яшай олмайди.


Шунга ўхшаб хамжамоа хам агар модда алмашуви бўлмаса ва энергия келиб турмаса яшаб қолмайди. Шу аргумент асосида инсоният цивилизацияси табиий дунёсиз яшashi мүмкін деган фикирни нотўғрилигини тасдиқлаш мүмкін.

**Тирик организмларнинг ташкилийлик даражасига қараб экология, аутэкология ва синэкологияга бўлинади.**

**Аутэкология** алохида олинган (аут-ташқари, бошқалардан ташқари деган маънода) организмларни ва уларнинг атроф муҳит билан индивидуал боғликларини, ҳаётий алмашувларини ва фъел-авторини тизимнинг бошқа компонентларидан мустсно холатда ўрганиш ҳисобланади. Айрим пайтларда аутэкология янада кенгироқ маъно берилиб алохида олинган турларни ўрганиш деб хам ҳисобланади.

Аммо бундай ўрганиш агар тизимнинг бошқа компонентлари билан ўзаро муносабатлари орқали қаралмаса, у ёки бу турларнинг ўзгариб бораётган атроф мухит шароитида биологик ўзига хослигини тушинишга, уларнинг табиатини башорат қилиш, сонини ўзгариши ва айниқса инсон манфаатлари учун бошқариш каби масалаларни хал қилиш қийин бўлади.

Масалан, агар янгидан барпо этиладиган сунъий дарахтзорда физиологик пайдо бўладиган бошқа ўсимликлар ва хайвон турлари билан бўладиган барча ўзаро таъсиридан фойдаланилмас экан, ўрмонларни тиклашга дойир ишларни муваффақиятли амалга ошириб бўлмайди. Аммо бунинг учун мазкур ўсимликлар ва хайвонларнинг барча хусусиятларини яхши билим олиш даркор.



1.2-расм.

Экологиянинг структураси.

**Синэкология-** (син-биргаликда) организмлар гурӯхларини, уларнинг диалектик бирлигига ва ўзаро алоқада ҳар томонлама ўрганиш мавзусидир.

Экология, шунингдек, тадқиқотнинг аниқ обьектлари ва мухитлари бўйича хам таснифланади.

Масалан, одам ва хайвонлар экологияси, ўсимликлар экологияси.

микроорганизмлар экологиясига (2-расм) ажратилади. Ўз навбатида, бу гурухларнинг барчаси зотлар даражасида, популяциялар даражасида тадқиқ қилиш мумкин. Тадқиқотни сувда, тупроқда, атмосферада, фазовий бўшлиқда ўtkазиш хам мумкин.

Тирик организмлар тропик, мўтадил ва кутбий иқлим шароитларида, табиий ёки инсон ўзгартирган ва ёки бўнёд этган туркумларда, шунингдек ифлосланган ва ифлосланмаган мухитларда ҳаёт кечирадилар. Хозирги вақтда экологик тадқиқотларнинг табиий мухитнинг ифлослашши билан боғлик бўлган йўналишлари жадал ривожланмоқда.

**Одам ва кишилик жамияти экологияси** алоҳида мақомга эгадир. Инсон экологияси деганда аввало, биосфера ва антропотизимларнинг (инсоният гурухлари тизимини даражаларини ва мустақил яшайдиган ҳар бир тирик организмни) ўзаро муносабатларини, уларнинг умумий қонунларини, табиий мухитнинг инсон ва одамлар гурухига таъсирини (бир қатор холларда ижтимоий мухитнинг хам таъсирини) ўрганувчи бир неча фаннинг мажмуи тушунилади.

Экология фан сифатида биологиянинг турли соҳаларига (физиология, генетика, биофизика) асосланади, шунингдек, биологиядан ташқари фан (физика, химия, геология, география математика ва бошқа)лар билан қадимги экологик тадқиқотларга таянадиган усувлар ва тушунча-атама аппаратига суннади.

Шу муносабат билан кейинги йиллардаи «Жуғрофик экология», «Глобал экология» (ёки Ер биосферасига қўшилгандаги экология), «Кимёвий экология», «Математик экология», “Транспорт экологияси”, “Саноат экологияси” ва экологиянинг бошқа йўналишлари пайдо бўлди.

Хозирда инсон ўзи яшаш доирасини кескин кенгайтирган: унинг қадами нафақат Ер теварак атрофидаги бўшлиқларга, балки узоқ фазо бўшлиқларига хам етиб борди.

Бу холат бутунлай янги муаммоларни келтириб чиқарадики, улар тиббиёт экологияси билан яқиндан боғлик бўлган фазо антропоэкологиясини Ўрганади. Саноат ва транспорт тизимида, ишлаб чиқариш шароитларида инсон ва машиналарнинг ўзаро муносабатлари мураккаб ва кўп тимсоллидир. Бу жойларда ўзига хос ҳарорат, шовқин-сурон, титратиш, ёритилганлик ва бошқа шарт-шароитлар билан боғлик экологик омиллар пайдо бўлиб туради.

**Юқорида келтирилган изохлар асосида хозирги замон экологиясининг асосий вазифаларини қўйидагича таърифлаш мумкин:**

1. Ҳаётнинг ташкил топиши қонуниятларинн, шу жумладан табиат тизимлари ва умуман бисферага антропоген таъсир муносабати билан боғлик бўлган қонуниятларни тадқиқ этиш;
2. Биологик бойликлардан оқилона фойдаланишининг илмий асосларини яратиш, инсон хўжалик фаолияти таъсири остида табиатда рўй берадиган ўзгаришларни олдиндан билиш, биосфера да кечадиган жараёнларни бошқариш ва инсон яшайдиган мухитни саклаб қолиш;
3. Популяциялар микдорини тартибга солиш;

4. Агросаноат комплексида кимёвий воситаларни энг кам күллашни таъмнилайдиган чоралар тизимини ишлаб чиқиши;
5. У ёки бу таркибий қисмлар ва ландшафт элементлари хусусиятларини аниқлашда экологик индикациялаш, шу жумладан, табиий муҳит қонцентрацияни индикациялаш;
6. Бузилган табиий тизимларни тиклаш, шу жумладан, фойдаланишдан чиқариб ташланган қишлоқ хўжалик экин майдонлариии қайта ишга солиш (рекультивация), яйловларни тинкаси қуриган тупроқ хосилдорлигини, сув хавзалари ва бошқа экотизимлар махсулдорлигини тиклаш;
7. Биосферанинг этalon қолип майдонлариии сақлаш (консервациялаш);
8. Муҳит сифатини сақлаш ва яхшилаш бўйича техникавий, хуқуқий, ташкилий-бошқарув бўйича узоққа мулжалланган тадбирлар мажмуини такомиллаштириш, бунинг пировард мақсади — аҳоли саломатлиги даражасини, турмуши сифатини кўтариш, шунингдек ижтимоий-мехнат қувватини (потенциалини) такомиллаштиришdir;
9. Якка-якка танлаш тизимини ташкил этиш, ўрганиш бўлмаган шароитларда иқлим-жуғрофий хусусиятларни ҳисобга олган холда янги ўзлаштирилган худудларда саноат ва аҳоли тўпланган (урбанизациялашган) минтақаларда ишлайдиган шахслар мослашуви (адаптацияси)ни тезлатувчи воситаларни ишлаб чиқиши;
10. Хавфли табиий воқеа-ходисалар ва техникавий мажмуалар аварияси натижасида одамлар нобуд бўлиши ва саломатлиги сусайиши йўлларини олдини олиш;
11. Экологик онг ва экологик маданиятни яратиш, антропоэкологик таълим тизимини шакллантириш ва оммавий ахборот воситалари ишини фаоллаштириш;
12. Барқарор тараққиёт учун таълим тизимини барча фанларга интеграциялаш, барқарор тараққиёт принципларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бошқалар.

### **1.3. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги аҳамияти.**

Экологик таълим ва тарбияда экотизимлар ҳақида тушунча муҳим ўринни эгаллайди. Экологиянинг ўрганиш обьекти бўлган эктизимларни билмасдан туриб экологик таълимга эга бўлиш тўлиқ бўлмайди.

**Экотизим**— бу ўзаро ҳамкорликда яшовчи турли хил организмларинг бир-бирлари билан, атроф муҳит билан бўлган муносабатларини, уларнинг яшаш шароитларини, модда алмашувини, трофик холатини, энергия алмашувини ва функциясини ҳарактерловчи тизим ҳисобланади. Экотизимга ўрмон, ўтлоқ, кўл мисол бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назарда туриб, масалан, ўрмонни қуийдагича изохлаш мумкин:

«Ўрмон ўсимлик ва ҳайвонот популяцияларининг жуғрофий жихатдан ташкил топган ўзини-ўзи тартибга солиб турадиган мажмуудир. Улар учун бир тубдаги дараҳт хиллари популяцияси ёки бир неча турнинг биргалиқда ўсувлари популяциялари муҳитни ташкил қилишда бош роль ўйнайди».


Экотизим — экологияда фаолият кўрсатувчи асосий бирлиқdir, негаки унга организмлар хам, жонсиз муҳит хам киради. Улар бир-бирига ўзаро таъсир этадиган ва саёralарда мавжуд бўлган шаклда ҳаётни қуллаб-қувватлаб турадиган таркибий қисмлардир. Агар биз биомлар ва биосфера даражасида пайдо бўладиган муаммоларни яхлит хал этишини хоҳласак, биз авваламбор уюшқоқликнинг экотизимли даражасини ўрганишимиз керак.

Экотизим тўғрисидаги тасаввур гарчи анча илгари пайдо бўлган бўлса хам, **«экотизим» атамаси биринчи марта 1935 йилда инглиз экологи А. Тэнсли томонидан таклиф қилинган**. Организмлар ва муҳит (шунингдек, инсон ва табиат) бирлиги хақидаги гапларни тарихнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларида учратиш мумкин. Аммо бу хақдаги аниқ гаплар фақат ўтган асрнинг охирларида пайдо бўла бошлади. Шуниси жуда қизиқки бундай гаплар Америка, Европа ва рус экологик адабиётларида дсярли бир вақтда пайдо бўладган.

Чунончи, немис олим Карл Мёбиус 1877 йилда устрица банкасидаги организмлар туркуми хақида ёзади. Машхур рус олимни В. В. Докучаев (1846—1903) ва унинг жуда кўзга кўринган шогирдларидан бири Г. Ф. Морозов (ўрмон экологиксиз бўйича ихтисослашган) «биоценоз» тўғрисидаги тасаввурга катта эътибор беришган.

Туркумларни ифодалаш учун В. И. Сукачев биогеоценоз атамасини («биос» — хаёт, «гео» — Ер, «ценоз» — туркум) таклиф қилган (у хамма томонидан қабул қилинган).

**“Биогеоценоз” — бу Ер юзасининг маълум масофасидаги бир-бирига ўхшаш табиий ходисалар (атмосфера, тоғ жинслари, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва микроорганизмлар ходисалари) мажмуудир. Бу мажмуу уни ташкил этувчи таркибий қисмлар ўзаро таъсиригининг ўзига хос алоҳида хусусиятга хамда таркибий қисмлар ўртасидаги ва ички диалектик бирлиқда, доимиий ҳаракат ва ривожланишда**



**бўлган бошқа табиат ходисалари билан модда ва энергия алмашувининг муайян хилига эгадир.**

«Экотизим» ва «биогеоценоз» тушунчалари бир-бирига яқин, аммо улар маънодош сўзлар эмас **А. Тэнслининг таърифика, экотизим — бу тирик ва жонсиз таркибий қисмларнинг беўлчов брқарор тизимлари**дирки, уларда моддалар ва энергиянинг ташқи ва ички айланиши рўй беради.

Шундай қилиб, микроблари билан томчи сув хам, ўрмон хам, гулли тувак хам; бошқариладиган фазо кемаси хам, оқова сувларни тозалаш иншооти хам экотизимдир. Улар биогеоценоз таърифига кирмайди, чунки уларга бу таърифнинг кўпгина белгилари хос эмас. Экотизим бир қанча биогеоценозни камраши мумкин.

Демак, «экотизим» тушунчаси «биогеоценоз»дан кенгdir, яъни исталган биогеоценоз экологик тизимиdir аммо ҳар қандай экотизим биогеоценоз, деб ҳисобланиши мумкин эмас, бунинг устига биогеоценозлар — бу ўз аниқ чегараларига эга бўлган нуқул қуруқликдаги тузилишлардир.

Шу тариқа XIX ва XX аср чегарасида биологлар қайси мухит хақида гап бормасин (чучук сув денгиз ёки қуруқлик мухитими). табиат яхлит тизим сифатида фаолият кўрсатади, деган ғояни жиддий қараб чиқа бошладилар. **Ю. Одумнинг таъкидлашича, фақат ярим асрдан кейинигина, Берталанд (1950-1968)** ва бошқа тадқиқотчиларнинг жонбозлиги билан тизимларнинг умумий назарияси ишлаб чиқилди, янги миқдорий йўналиш — экотизим экологияси ривожлана бошлади.

### **1.3. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар.**

Экологик таълим ва тарбияда атроф мухитнинг физик, кимёвий, биологик ва радиоактив таъсирларини, ёки экологик омилларини билиш ва уларни бартараф қилиш йўлларин ўрганиш устивор масалалардан хисобланади.

Экотизимнинг барча элементлари хам биотик, хам абиотик омиллар таъсиридадир. Бу жараёнлар муайян мухит шароитларида рўй беради.

Экологик нұқтаи назардан мухит — бу шундай табиий жисмлар ва ходисаларки, организм улар билан бевосита ёки билвосита муносабатда бўлади. Организмнинг атроф-мухити нихоятда хилма-хил бўлади. У вақт ва маконда кўпдан-кўп ҳаракатдаги элементлар, ходисалар, ва шароитлардан ташкил топадики, улар омиллар сифатида кўздан кечирилади.

**Экологик омил** — бу тирик организмларга, жуда булмаса уларнинг алохида ривожланиш даврининг бирида бевосита ёки билвосита таъсир ўtkазишга қодир бўлган исталған мухит шароитлариdir. Ўз навбатида организм маҳсус мослашиш — мувофиқлашиш орқали экологик омилга таъсир кўrsатади.

Ҳар бир организм боғлиқ бўлган мухитнинг экологик омиллари икки туркумга бўлинади: 1) жонсиз (абиотик) табиат омиллари; 2) тирик (биотик) табиат омиллари.

#### **Мухитнинг экологик омилларини таснифлаш.**

(Н.Понамарёва бўйича, 1975 й.)

##### **1. Абиотик омиллар.**

- И қ л и м и й: ёруғлик, ҳарорат, намлик, хаво ҳаракати, босим;
- Э д а ф о г е н: («эдафос» — тупроқ) механиқ таркиб, намлик сифими, хаво ўтказувчанлиги, зичлик;
- О р о г р а ф и к: рельеф, денгиз сатҳидан баландлиги, қиялик экспозицияси;
- К и м ё в и й: хавонинг газли таркиби, сувнинг туз таркиби, тупроқ эритмаларининг қуюқлашуви, ишқорлийлиги ва таркиби;
- Ф и з и к: қуёш энергияси, электромагнит тўлқинлар, радиация.

##### **2. Биотик омиллар.**

- Ф и т о г е н: ўсимлик организмлари;
- З о о г е н: ҳайвонот дунёси;
- М и к р о б о г е н: вируслар, оддий хужайралилар, бактериялар, риккетсиялар;
- А н т р о п о г е н: инсоннинг жўжалик фаолиятининг таъсири.

**3. Антропоген омиллар.** Бундай омиллар мухим ўринни эгаллагани учун алохида ўрганилади, чунки инсоннинг хўжалик фаолияти натижалари таъсири экотизимларга юқори даражада бўлади.

**4. Трансчегаравий омиллар.** Турли хил заарли таъсирларни бир мамалакат чегарасидан бошқа бир мамлакат ҳудудиги кириб бориши билан боғлиқ бўлган экологик омиллар.

Юқорида келтирилган экологик омилларни билиш экологик таълимва

тарбия жароёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланилган холда олиб борилиши яхши натижа беради. Масалан хар қандай экологик омил таъсирида экотизимларда ёки инсон организмида янги Кейс холат вужудга келади бундай холатни ўрганиш, уларни оқибатларини аниқлаш ва ҳал қилишининг тўғри йўлларини топиш экологик таълимнинг инновацион йўналишларидан бири хисобланади.

### **Назорат саволлари:**

1. Экологиянинг предмети ва вазифалари ва уларни экологик таълимдги ўрни ҳақида нималар биласиз?
2. Экотизимлар, биогеоценозлар ҳақида тушунчаларни билишни экологик таълимдаги ахамияти нималардан иборат?
3. Экологик омиллар нима, уларни таълим ва тарбия жароёнида ўрганишининг ахамияти нималардан иборат?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Урсул А. Д. Устойчивое развитие цивилизации и образование в XXI веке // Зеленый крест. 1995. N 4. стр. 94.
2. Шодиметов Ю., Холмўминов Ж. Экологик хуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, 2014. 501.6.
3. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.
4. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2016 й. 416 с
5. Dawei Han. Concise environmental engineering. 2012, PhD&Ventus Publishing 175 p.

## **2-Мавзу: Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.**

Экологик таълим. Экологик таълимнинг методологик асослари. Экологик тарбия. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.

### **Режа:**

1. Экологик таълим.
2. Экологик таълимнинг методологик асослари.
3. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.

#### **1. Экологик таълим.**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни – фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-хунар ўргатишнинг хуқуқий асосларини белгилайди ҳамда хар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий хукукини таъминлашга қаратилган<sup>1</sup>.

**Билим** – кишиларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари, воқеликнинг инсон тафаккурида акс этиши<sup>2</sup>. У таълимда назарий, тўғрироғи маъруза машғулотларида ўқувчиларга тегишли ўқув модули ва курсининг фундаментал илмий-назарий асосларни бериш орқали олиб борилади. Бизнингча ҳар бир фаннинг ёки унинг муайян қисмларининг илмий-назарий асослари мавжуд.

**Кўникма** - инсоннинг илгариги тажрибалари асосида муайян фаолият ёки харакатни амалга ошириш қобилияти<sup>3</sup>. Ўқувчи, талаба, магистр ёки тингловчининг олган билимларини муайян фаолият ёки харакат давомида амалга ошириш қобилияти. Кўникма ўқув режадаги семинар, лаборатория ва амалий ўқув машғулотлари орқали шакллантирилади.

**Малака** – муайян касб, ишни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилган маҳорат. Малака ишлаб чиқариш ёки педагогик амалиёт, дала, дала-тажриба, сатционар ёки экспедиция каби ўқув-амалий машғулотлар орқали эгалланилади.

**Компетенция** – шахснинг кўзланганната жаларга эришиш учун билим, кўникма ва малакаларни мустақил равишда амалда қўллай олиш даражаси. Ўзбекистонда мажбурий ўн икки йиллик (9+3) таълим босқичларида Ҳаёт фаолияти хавфсизлигига доир таълимни тизимлашган, регионаллашган ва ихтисосликка томон йўналтирилган тарзда ташкиллаштириш ёшларни тез ўзгарувчан ҳаёт, жумладан меҳнат фаолиятига тайёрлаш компетенциясини оширади, кенг мушоҳадали, мустақил тўғри қарор қабул қилиш, уларда инсонпарварлик, ватанпараварлик ва торелантлик ҳислатларини намоён қилиш орқали уларни юксак маънавиятли ва маърифатли шахс сифатида тарбиялашда жуда катта аҳамият касб этади.

**Экология** – экотизимларда организмлар ўзаро ва уларнинг атроф-муҳити ўртасидаги алоқадолик қоидалари ва қонуниятларининг илмий-назарий-амалий асосларини тадқиқ қилувчи фан; унга доир кишиларга билим, кўникма ва малакалар-компетенцияларни берувчи таълим; ушбу алоқадорликни оптималлаштиришга қаратилган амалиёт тармоғи. Умуман олганда, экология фан → таълим → амалиётнинг ягона тизими .

Экология фани экологик таълим ва тарбиянинг фундаментал илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қиласи. **Экологик таълим** – кишини ҳаёт ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун унга тегишли, тизимлашган, муддатли экологик билим, кўникма, малака ва компетенция бериш воситаси. Унинг мақсади – кишиларни, жумладан, Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш учун уларга экологик билимларни бериш, уларни тегишли кўникмаларга эга ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳар бир шахснинг турли даражадаги экологик компетентлигини шакллантириш. Бунинг учун таълим олувчи: экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг замонавий илмий-назарий ва амалий асосларини билиши; экологик хавфсизликни таъминлаш кўникмаларига эга бўлиши; олган билим ва

кўникмаларни амалда қўллаш компетентлигини эгаллаш; бошқаларни экологик талабларга риоя қилишини назорат қилиш (фуқаролик бурчини бажариш), жамоага етказиш, ташвиқот ва тарғибот қилиш малакаларини ҳосил қилиши керак.

**Экологик таълим ва тарбия орқали** кишиларда, жумладан, ёшларда коинотдаги ягона ҳаёт мавжуд бўлган Ер сайдераси ҳақидаги тасаввурлар, ўз яшаш муҳити тўғрисидаги билимлар, атрофимиздаги олам, табиат ва инсонларни ўзаро узвий боғланганлик ҳақидаги илмий-назарий дунёқарашлар, ўз ўлкаси ва ватанинг экологик тизимлари (экотизимлари), уларнинг пайдо бўлиши, эволюцион ривожланиши, антропоген ўзгариши, макон ва майдон бўйича тарқалиш қонуниятлари, ундан келиб чиқадиган ҳусусиятлари, бойликлари, ҳолати, келажак истиқболлари, миллий, регионал ва глобал миқёсдаги табиат ва жамият муносабатлари, амалий экологик кўникма ва малакалар, Ер юзаси атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуларини қайта тиклашга оид муаммоларни англаш ва уларнинг ечимини топишга доир тўғри қарорларни қабул қилиш компетенцияси, уларни танлаган касбларга қараб экологик таълим ва тарбия шакллантирилади ва ривожлантирилади.

**Экологик амалиёт** – юксак экологик маънавиятли ва маърифатлишахс имкониятини унинг ҳаёт ва меҳнат фаолиятида қўллай олишининг мотивацияланганлик даражаси. Яъни экологик онг ва маданиятни ҳаётий фаолиятда нечоқлик зарур эканлигини ҳис этиш ва унинг ижобий натижаларидан баҳраманд бўла олиш шароитининг муайян маъмурий бошқарув бирликлар ёки иқтисодиёт тармоқлари доирасида яратилганлиги. У давлат, жамият ва корпоратив уюшмаларнинг олиб бораётган экологик концепциясида, сиёсатида, қонунучилигига, ҳаракатлар дастури ва иш режаларида, приоритет тадқиқотлар йўналишларида, кадрлар тайёрлаш ва уларни амалда татбиқ этилганлигига намоён бўлади.

**Экологик таълим, тарбия ва амалиёт моҳияти** унинг уч йўналишдаги тадқиқот қилиши, ўргатиши ва амалга жорий этиши **предметида** ўз аксини топади: экотизимларни (табиий ва антропоген ўзгарган) муҳофаза қилиш; экотизимларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш; бузилган экотизимларни қайта тиклаш.

**Экологиянинг мақсади** – ҳозирги ва келажак авлодларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи экотизимлар хавфсизлигига эришиши учун экологик таълим, тарбия ва амалиёт бирлигини таъминлаш. Ушбу мақсадга эришмоқ учун миллий миқёсда қуйидаги экологик тусдаги вазифаларни бажариш талаб этилади: экологиянинг умумэътироф этилган илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш; унинг тарихи, ҳозирги ҳолати ва келажак истиқболларини турли экотизимлар доирасида узвий боғланган ҳолда баҳолаш; экологик концепция ва ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш; тактик ва стратегик экологик ривожланиш режаларини қабул қилиш; экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир кадрлар тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш; экологик қонунчиллик базасини ҳар томонлама таҳлил қилиш ва уни амалиёт билан боғлаш механизмини яратиш; миллий экологик таълимнинг

мажбурийлик принципини амалда қўллаш; экологик таълимни барқарор ривожланиш қоидаларига мос равишда қайта кўриб чиқиш каби масалаларни хал этишга ундейди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асаридаги ушбу жумлаларга эътибор қаратишимиз ҳам жуда зарур: “Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски-маъмурий буйруқбозлиқ тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аникроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбай, ўз мамлакатининг келажагига, табиий бойликларини сақлаб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса “қалб нидоси” бўлиб келган”.

Узлуксиз таълим малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турлари, давлат таълим стандартлари, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият қўрсатиши муҳитидир<sup>4</sup>. Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонуннинг 9-моддасига биноан миллий узлуксиз таълим тизими қуийдаги турлардан иборат: 1) мактабгача таълим; 2) умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим; 3) ўрта маҳсус, касб-хунар таълими; 4) олий таълим; 5) олий ўқув юртидан кейинги таълим; 6) кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

Таълим тўғрисидаги қонун билан бир қаторда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг мақсадида таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиши, уни ўтмишдан қолган мавқуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиши, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак аҳлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир, дейилган.

Мустақиллик туфайлигина миллий таълим турлари ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан халос этилди. Унда ўзига хос ва маҳаллий шароитга мос равишда янги миллий таълим тизими шаклланмоқда. Ривожланган давлатларнинг таълим тизими тажрибаси республикамиз шароитига мослаштирилган тарзда амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Мазкур жараёндан экологик билим ва тарбия ҳам четда турмаяпти. Зоро, экология тарих, она тили ва адабиёт, миллий гоя ва гуур фанлари каби ёшлиаримизни юкасак маънавиятли шахс қилиб тарбиялаши, табиат билан жамият қонунларини уйғунлаштира оладиган кадрлар қилиб етишишида жуда катта аҳамият касб этади.

**Касбий экологик таълимнинг мақсади** – миллий касбий таълимда узлуксиз экологик таълим тизимининг илмий-назарий асосларини яратиш.

Ушбу мақсаддан келиб чиқсан тарзда мазкур фундаментал тадқиқот олдига қуийдаги **вазифалар** кўйилди:

- ✓ миллий касбий таълим тизимида экологик таълимнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш;
- ✓ экологик таълим тизими бўйича бир қатор илгор хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилиш;
- ✓ касбий таълимда узлуксиз экологик таълим мавзусида анжуман ўтказиш ва тезислар тўпламини нашр этиш;
- ✓ миллий узлуксиз касбий экологик таълим тизимининг методологик ва методик асосларини ишлаб чиқиш;
- ✓ экологик таълим концепцияси лойиҳасини яратиш.
- ✓ тадқиқот олиб боирш учун тажриба синов бўйича аниқ пилот ўкув муассасалари белгилаш;
- ✓ пилот муасасаларда семинар-тренинглар ташкил этиш;
- ✓ тажриба натижалари методик жиҳатдан таҳлил қилиш;
- ✓ экологик таълим бўйича веб-сайт яратиш;
- ✓ экологик фанлардан давлат таълим стандартларининг лойиҳа вариантлари тайёрлаш ва уларни апробациядан ўтказиш;
- ✓ мактабдан ташқари экологик таълимни ташкил этишнинг услуб ва шакллари алоҳида тўплам сифатида нашр этиш;
- ✓ миллий касбий таълимнинг узулуксиз экологик таълим ДТСлари, намунавий ўқув режалари ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш;
- ✓ касбий экологик таълимни ривожлантириш дастури яратиш;
- ✓ таълим босқичларида экологик таълимнинг мазмун ва моҳиятига доир тавсиянома ва йўриқномалар ишлаб чиқиши.

### **Экологик таълим ва тарбияда хорижий тажриба.**

Чэт мамлакатларда таълим ва тарбияни экологиялаштириш Ўзбекистонга нисбатан барваҳт бошланган. Шимолий Евropa ва Америка мамлакатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясидан унинг ҳолатини ҳамма босқичда назорат қилишга томон қаратилди. Мазкур давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатларининг барча соҳаларида атроф-муҳит муҳофазаси масалалари киритилганлиги назоратга олиниб, инсониятнинг атроф-муҳитдаги барча фаолияти барқарор ривожланиш тамойилларида тўлиқ мос келишига халқаро хамжамият этибори кучайтирилди. Янгича ёндошувнинг дикқатга сазовор томонларидан бири жамоатчиликка турли хил экологик ахборотларни эркин олиш ва тарқатишларига кенг ҳуқуқлар берилганлигидадир.

Давлат сиёсатига монанд равишда экологик таълим ҳам кучайди. Чет эл олимлари бир неча ўн йилликлар мобаёнода қуйидаги муаммолар устидан изланишларни олиб бомоқдалар. Масалан:

- В.Е.Гиусов, В.И.Данилов-Данильян, Н.А. Кармаев, И.И.Кравченко, Г.А.Кузнецов, Н.Н. Моисеев, Н.Ф.Реймерс, А.Д.Урсул, R.G.Barker, W.R.Catton, D.D.Chiras, R.E.Dunlap ва бошқ. экологик таълим асосларининг фалсафий, ижтимоий, маданий ва бошқа жиҳатларини;
- Г.В.Акопов, А.А.Алдашев, А.А.Брудный, Э.В.Гиусов, А.Д.Иоселиани, Д.Н.Кавтарадзе, Н.М.Мамедов, В.И.Медведев,

Е.И.Чердыкова, В.А.Ясвин, D.H.Meadows, D.L.Meadows, J.Randers, A.W.Wiecker и бошқ. инсонларни табиатга муносабатини кескин ўзгарирувчи экологик таълим мазмуни ва моҳияти, тузилиши, экологик онг ва маданиятни шакллантириш масалаларини;

- С.Н.Глазачев, В.П.Горлачев, Н.С.Дежникова, О.Н.Козлова, И.И.Мазур, О.Г.Тавстуха ва бошқ. экологик таълимнинг асосий мақсади сифатида экологик маданиятни шакллантирилишини;

- А.Ф.Баранов, Н.Б.Дементьев, Ю.И.Михальченко, Ж.В.Моисеева, О.В.Попова, Б.И.Стрелец, Л.Ф.Тарарина ва бошқ. узлуксиз экологик таълим тизимини ҳамда унинг минтақавий жиҳатларини;

- А.Н.Захлебный, И.Д.Зверев, В.М.Сен-кевич, Г.П.Сикорская, И.Т.Суравегина, Ch.M.Geesteranus, J.C.Smith, L.F.Schmore, A.J.Suvan ва бошқ. умумий экологик таълим ва тарбиянинг назарий-методик асосларини аниқлашни;

- В.И.Блинников, Г.С.Камерилова, С.С.Кашлев, А.В.Миронов, O.D.Duncan, S.Foresman ва бошқ. умумтаълим муассасаларининг педагогик кадрларини экологик таълим ва тарбияга тайёрлашни;

- Е.И.Ефимова, И.Н.Кондрашова, Н.А.Лызы, Н.М.Мамедов, К.А.Романова, U.Halbach ва бошқ. турли даражадаги касбий таълим муассасаларида эколог мутухассисларни тайёрлашнинг турли йўналишларини таҳлили ва илмий-амалий ишланмаларни яратишга ҳаракат қилмоқдалар.

Халқаро стандартларга монанд равишда экологик таълимда атроф-муҳит ҳақида, атроф-муҳит ёрдамида ва атроф-муҳит учун таълимлари мавжуд. Бу учта компонент экологик таълим ва тарбиянинг бўлакланган масалаларини бир бутун ечимини таъминлайди. Масалан, *Гарбий Европада* болалар махсус хўжаликларда ёввойи ҳамда уй ҳайвонлари билан мулоқотда бўлиши, ҳаттоқи уларни парвариш қилиш орқали экологик таълим ва тарбия уч ёшдан бошланади.

**Австрияда** касбий экологик таълим ва тарбияга замин ташёrlаш мактаб дастурларига киритилган. Масалан, махсус мактаб лойиҳаларини ташкиллаштириш (“Мактаб боғи”, “Атроф-муҳит тарихи”, “Мактабда экология”, “Экологик устахона”, “Табиат учун ижодиёт”); табиатни муҳофаза қилиш акцияларини ўtkазиш (“Озон”, “Альп фаолияти”); турли хил дидактик материаллар ва махсус ўқув қўлланмаларини тайёрлаш; педагог-экологлар учун семинарлар ҳамда болаларнинг экологик таълимида иштирок этувчи барча мутахассисларни қайта тайёрлаш курслари; экологик таълим масалалари бўйича журнал ва газеталар нашри; “Атроф-муҳит, мактаб ва жамоат” шу йўсиндаги махсус экологик таълим дастурларини тайёрлаш; экологик таълим масалалари бўйича умумдавлат маълумотлар банкини яратиш; координацион функцияларни амалга ошириш; болаларни экологик таълими билан боғлиқ бўлган мактаб ва мактабдан ташқари экологик таълим, турли лойиҳалар фаолиятида иштирок этишни ҳоҳишини билдирганларни ўқитувчи ва бошқа мутахассисларга консультациялар. Австриянинг олий касбий таълим босқичида экологик таълим тўғридан тўғри махсус ва касбий

фанларни танлов асосида ўқитишдан бошланади. Умумий экологик таълим ва тарбия эса умумий таълим тизимиға киритилган.

**Даниядаги** экологик таълим ва тарбия муаммолари барча педагогик қасбий таълим тизимиға киритилган. Педагогларни тайёрлашда мажбурий экологик таълим, фанлараро мустақил таълим, тегишли ўқув материалларнинг оммабоплигига намоён этган. Дания скандинав давлатлари билан Шимолий Сипозиум ўтказиш ва “Скандинавияда атроф-мухит соҳасида таълим”, “Болтиқ дengизи”, “Шимолий дengиз” халқаро ва “Тоза дарёлар”, “Кислотали ёмғир”, “Яшил байрoқ” миллий таълим лойиҳаларини амалга ошириш, дengиз соҳилларининг экологик ҳолатини карталаштириш ва ўрганиш йўли билан узоқ муддатли ҳамкорлик лойиҳаларнинг доимий қатнашчисидир.

**Германияда** экологик таълим ёшларни атроф-мухит ҳақидаги тасаввурларини ўзгартиришга ва билимларини ривожлантиришга, уларнинг табиатни муҳофаза қилишга тайёрлигини оширишга, ўсиб келаётган авлодда экологик масъулиятли хулқни шакллантиришга йўналтирилган. Бунда асосий урғу инсон, жамият ва табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни очиб беришга қаратилади. Экологик таълим ва тарбияда инсон омили асосий бўлиб, у экотизимларни ҳалокатли ифлосланишига олиб келмоқда, деган дунёқарашиб мавжуд.

**Ирландиянинг** экологик таълим ва тарбия қуйидаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган: инсон ва атроф табиий муҳит ўртасидаги алоқадорликнинг комплекслигини тушунтиришга ёрдамлашиш; шаҳар ва қишлоқларда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик муносабатларга қизиқишиларини рағбатлантириш; ҳар бир тингловчига масъулиятли экологик қарорларни қабул қилиш учун билим, муносабат, қадрият ва малакани олиши ҳамда табиий муҳитни ҳимоя қилиш ва такомиллаштириш учун зарур амалий билим ва қўнималарни бериш; индивидуал, гурӯҳ ва жамоа онгига атроф-мухитда фаолият олиб бориш ва ўзини тутиш бўйича янги экологик моделларни яратиш ва уни амалда татбиқ қилиш, алоҳида фуқаро, турли ижтимоий гурӯҳ ва жамоаларда табиатга янгича муносабатда бўлишни шакллантиришга ёрдам бериш; аҳолининг кенг амалий экологик малака олишларига ёрдам бериш; экологик муаммоларни аниқлаш ва таснифлашни шакллантириш, муаммоли масала ва вазиятларни ҳал этиш, экологик муаммолар ечимини қабул қилиш жараёнида иштирок этиш, деб қаралади.

**Швецияда** экологик таълим ва тарбия 1970 йилда “Европада атроф-мухит” йилига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш арафасида яратилди ҳамда атроф-мухит муҳофазаси мавзуси янги тўққиз йиллик мажбурий таълимга киритилди. Шу билан бирга атроф-мухит масалалари бўйича Миллий дастур тайёрланди ва қабул қилинди. Унинг талабларига биноан Швецияда педагог ва ўкувчилар учун янги ўкув қўлланмалар ва йўриқномалар нашр қилинди. Экологик таълим ва тарбия Европанинг Скандинавия ярим оролида жойлашган давлатларнинг ҳамкорлигидаги бирламчи масалага айланди. Швециянинг атроф-мухитни муҳофаза қилиш жамияти ва таълим бўйича Миллий агентлиги ҳамкорлигига экологик таълим муаммолари бўйича

умумдавлат ахборот тизими яратилди.

**Японияда** юксак экологик маънавиятли шахсни тайёрлаш атроф-муҳит соҳасидаги таълим дастурлари орқали эришилган бўлиб, у миллий касбий тайёргарликнинг барча бочқичларини ўзида қамраб олган. Японлар унча динга кўп киришмаганлар ва шунинг учун ҳам уларда иконалар ўрнида гўзаллик меҳроби сифатида гулли ваза туради. Икебана Ер планетасидаги барча инсонларга маълумдир. Японларнинг табиатга муносабати – бу ўзгача миллий психология бўлиб, унинг асосида жамоавий онг ётади. Шунинг учун ҳам уларда экологик тарбия қадимий тарихга эгадир.

**АҚШнинг** касбий экологик таълим ва тарбия турли шакл, йўналиш ва методологик ёндашув, барча таълим ва тарбия мазмунига экологик этикани чуқур кириб бориши, аҳолининг атроф-муҳитга эҳтиёткорлик ва масъулият билан муносабатда бўлишини шакллантириш жараёнида кенг оммани, айниқса, нодавлат жамоат ташкилотларини жалб қилиш билан бирга олиб борилади.

**Россия Федерациясининг** экология мутахассислиги бўйича олий касбий таълимнинг давлат таълим стандартларида экологлар қуидаги фаолиятни юргазиши мумкин: лойиҳалаш–ишлаб чиқариш ва педагогика. Унда таълим олишни давом этириш “013100 – Экология” йўналиши бўйича олий касбий таълим дастурини ўзлаштирган эколог магистратура мутахассислиги бўйича 511100–Экология ва табиатдан фойдаланиш, 510800–География ва бошқа турдош йўналишлар бўйича аспирантуранинг 11.00.11–Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, 11.00.14 – Геоэкология ва бошқа яқин мутахассисликлар йўналишларида таҳсил олишлари мумкин.

## **2. Экологик таълимнинг методологик асослари.**

Жамият ва табиат, инсон ва яшаб турган муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир муаммоси — инсониятнинг абадий муаммоларидан биридир. Фалсафий тафаккурнинг бутун тарихи давомида у турлича хал қилиниб келинган. XVIII асрларда Франция-социологи Монтескье ўша давр учун хос бўлган фикрни олға суради. У «Қонунлар рухи тўғрисида» номли асарида жамият табиатга тўла равишда қарамлиги тўғрисидаги ғояни ривожлантириб, «Иқлиминг хукмронлиги барча кучлардан устунроқдир», деган шиорни олға суради.

Кишилик жамиятигини табиатга қарши қўядиган, кишилар билан табиат ўртасидаги алоқани истисно қиласидаги идеалистик қарашларга қарши ўлароқ табиат билан инсон ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни асослаш ва кўрсатиш муҳим ахамиятга моликдир. Тарихга икки томондан қараш мумкин, уни **табиат тарихи ва инсонлар тарихига бўлиш мумкин**. Бироқ ҳар икки томон чамбарчас боғлиқдир. **Инсоният жамияти мавжуд экан, табиат тарихи ва инсонлар тарихи бир-бирини ўзаро қувватлаб турадилар.**

Жамият ва табиат бирлигини таъкидлар эканмиз, биз унинг тимсолида уларнинг моддий жихатдан бирлигини тушунамиз, яъни улар моддийдирлар, бир хил кимёвий моддалардан иборатдирлар, назарияда диалектик деб аталувчи баъзи бир объектив (холис) қонунларга гарчи ўзига хос шаклда

бўлса хам буйсинадилар. Жамиятда ижтимоий қонунлар билан бирга физика, кимё ва биология қонунлари хам амал қиласди. Бунда инсон, жамият ва табиатнинг бир қисми сифатида тавсифланади. Инсоннинг жисмоний ва маънавий ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлангандир. Бу, табиат ўз-ўзи билан чамбарчас боғлиқ демакдир, зеро инсон табиатнинг бир қисмидир, унинг фарзанди, ривожининг гултожисдир. Мазкур холат аввалам бор табиат инсон ва жамият пайдо бўлишининг етакчи омили эканлигига кўринади.

Табиат ривожининг махсули бўлмиш инсоният табиатга тобора кўп ўз таъсирини кўрсатади, инсон фақат ҳар ҳил ўсимлик ва ҳайвонот турлари ўрнини ўзгартирибгина қолмай, бинобарин уларни шу даражада ўзгартирдики, унинг фаолияти натижалари ер шарини умумий ўлимга маҳкум бўлгандагина у билан бирга йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шундай ўзаро, инсон нафақат табиатни маркази деб билади, балки ўзини ўраб турган дунёни ўзгартиради, «ижод» қиласди хам. Бироқ ландшафт, табиат манзарасини на ўзгартириб юборган на коинотгача чиқа олган инсоният хеч қачон табиатдан узилиб кетолмайди, у хамма вақт унинг бағрида яшайди.

Инсоннинг ижодий имкониятлари, унинг табиатни билиш ва ўзгартириш қобилияtlарига келганда, улар чек-чегарасиздир. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида вужудга келадиган муносабатларсиз ишлаб чиқаришнинг ўзи хам, инсонинг моддий шароитлари хам бўлмайди, демак жамият хам бўлмайди. Жамият бу одамларнинг биргаликдаги ҳаракати, ўзаро фикрининг махсулидир одамларнинг ижтимоий муносабатларидаги инсоннинг ўзидир.

Инсон, жамият ва табиат ўртасидаги бундай мураккаб ўзаъро муносабатлар методологик экологик таълимнинг методологик асосларини яратишга сабаб бўлди. Аввалам бор экологик таълимнинг предметлараъро эканлиги, унга интегратив қарашларни вужудга келтирди.

Экология XX асирлар давомида мисли қўрилмаган даражада ривожланди ва хусусий биологик предметдан барча табиий фнларни, ҳамда кўплаб гуманитар фанларни ўз ичига мегафанга айланди. Юқори даражада предметлараъро эканлиги, турли ҳил фанлар билмларини эгалламасдан туриб экологияни билишда қийин эканлиги маълум бўлиб қолди.

Бундан ташқари кўплаб саволлар борки, уларни ечиш фанлар туташган (на стыке наук) предметлараъро шароитда амалга ошиши мумкин, улар алоҳида фанлар орқали ҳал бўлмайди.

Шунинг учун хам Экологик таълим турли ҳил ўкув предметларини муюғлаштиришни, уларга керакли бўлимларни критишишни, махсус курсларни ташкил қилишни, ҳамда предметлараъро ўзлаштиришни тақозо этади.

Миллий давлат тизимини модернизация қилиш талаблари ҳамма фан йўналишлари, жумладан экологик таълим ва тарбия тизимини қайтадан кўриб чиқиши тақазо этмоқда. Чунки миллий экологик таълим ва тарбия тизими шу куннинг талабларига тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз. Бунинг асосий сабабларидан бири 1992 йил 9 декбрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қиилиш тўғрисида”ги

қонуннинг 4-моддасига экологик таълимнинг мажбурийлик принципи-йўналтирувчи қоидасини 1997 йил қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунда ўз аксини топмаганлигида. Натижада мамлакатимизда экологик таълим ва тарбия стихияли равишда амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг “Экоҳаракат” депутатлар гуруҳи ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлеклари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раҳбарларининг республикада узлуксиз экологик таълим тизимини жорий этиш тўғрисидаги ахборотларига кўра парламент эшитувлари тўғрисида”ги 2010 йил 2 ноябрда ва 2015 йил 12 майдаги қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қиилиш давлат қўмитаси қоишида фаолият юритаётган “Ўзбекистон Республикасида барқарор ривожланиш таълими” идоралараро Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2011 йил январь ва 2016 йилнинг 22 июлдаги юқорида қайд этилган тўртта давлат идоралари иштирокидаги ҳисоботларида мамлакатимизда экологик таълим йўналишида 2005 йилдан буён уч босқичда амалга оширилган бир қатор ижобий ишлар қилинган бўлсада, лекин улар ягона бир барқарор ривожланишнинг узлуксиз таълим тизимиға мос келади, дейиш қийин.

Экологик таълимни замон талабларидан четда қолиб кетмаслиги, Ўзбекистон Республикаси Таълим тўғрисидаги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида кўрсатилган узлуксизлик тамойилларига мослашиши қандай бўлмоғи керак, деган саволга жавоб топишдадир.

Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарори экологик таълимни ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бўлди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, республика ҳудудларидаги экологик муаммолар ечимиға таълим тизимини жорий қилиш билан ҳисса қўшиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш, экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш, экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси бир қатор устувор йўналишларни аниқлаб берди.

«Таълим тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилаш, уларни таълим-тарбия жараёнига изчиллик билан босқичмабосқич татбиқ қилиш ва шу асосда экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга кўтариш;

таълим дастурларини мавжуд экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш вазифаларидан келиб чиқиб такомиллаштириш;

таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта

тикланмайдиган манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиягини кучайтириш;

экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши ҳамда жорий этиши;

экологик таълим сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини ҳамда барқарор ривожланиш кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи норматив-ҳукуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ва таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш.

Экологик муаммоларнинг тобора глобал аҳамият касб этиб бораётганлиги инобатга олиниб, сўнгги йилларда муҳим устувор вазифалар билан бир қаторда атроф муҳит муҳофазаси, экологик маданият, экологик таълим-тарбия, экологик маърифат масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Экологик таълимнинг долзарблиги мамлакатимиз табиати, экотизимлари, атроф муҳитни бекарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалаларга аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар ҳисса қўшиши зарурлиги билан белгиланади.

Бироқ, экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили экологик таълимни ташкил этишда бу борадаги ислохотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўқсинглик қилувчи жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

барча турдаги таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни 4-моддасида назарда тутилган экология ўқувининг мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмаяпти;

амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурлари мазмунан экологик билим, кўникма, малака ва компетенциялар билан зарур даражада бойитилмаган;

экологик таълим йўналишида илфор миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш, улар асосида таълим олувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаган;

таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиши, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий муҳитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаган;

мактабгача таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактаблари таълим дастурларининг мавзулари бугунги кун талабларига жавоб бермайди, жумладан, уларда таълим олувчиларда экологик онгни шакллантирувчи экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, она табиатни араб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасига оид

мавзулар етарли эмас;

таълим муассасаларида экологик тарғибот тизими ҳам қониқарсиз аҳволда, бу борада экологик тарғиботни амалга ошириш механизмларини йўлга қўйиш ва ушбу механизмларни муносиб рағбатлантириш тадбирлари етарли даражада амалга оширилмаяпти;

экологик таълимга оид электрон-методик воситаларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилмаган;

таълим ҳамда экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ўртасида экологик таълим тизимини такомиллаштириш борасидаги амалий ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган, хусусан, ўтган йиллар давомида экологик таълим тизимини ислоҳ қилиш юзасидан фақат таклифлар билдирилган холос;

таълим дастурлари тўлиқ қайта қўриб чиқишига муҳтож, жумладан, улар республикада сўнгги вақтларда экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлардан келиб чиқиб тубдан такомиллаштирилиши лозим.

Шу муносабат билан аниқ мақсад ва вазифаларни ҳамда йўналишларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясини (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) муваффақиятли амалга ошириш орқали экологик таълим тизимини янада ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади.

### **Концепциянинг мақсади ва вазифалари.**

1. Концепциянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанини жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштиришдан иборат.

2. Ушбу мақсадга эришиш, уни амалда рўёбга чиқариш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш талаб этилади:

«Таълим тўғрисида»ги ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ узлуксиз таълим тизимида экологик таълимни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини белгилаш, уларни изчиллик билан босқичма-босқич таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилиш ва шу асосида экологик таълимнинг самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш;

экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, кўрик-танловлар ўтказишни, ижтимоий реклама ва шу кабиларни ташкил этиш;

таълим дастурларини мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш ва замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштириш;

таълим олувчиларнинг эътиборини умумбашарий экологик муаммоларга қаратиш орқали уларнинг она табиатнинг қайта тикланмас манбаларини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича масъулиятини кучайтириш;

экологик таълимнинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши хамда жорий этиш;

экологик таълимнинг сифатини, кадрлар тайёрлаш тизими самарадорлигини, барқарор ривожланиши кафолатларини ва устуворлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий, моддий-техника ва ахборот базасини яратиш;

экология ва атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш.

### **3.Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.**

Барқарор тараққиёт концепцияси хозирги куннинг энг мухим глобал концепцияси ҳисобланади. Шунинг учун хам унга бериладиган таъриф хам, унинг турли жихатларини ҳарактерловчи тушунчалардан иборат. Барқарор тараққиёт таърифини бир неча турларини келтириб ўтамиш:

Барқарор тараққиёт-келажак авлодларнинг ўз ихтиёжларини қондириш имкониятини хавф остида қолдирмасдан хозирги ихтиёжларни қондиришдир. (Word Commissin on Envairoment end Devolopment (1987) Our Common Futur, Oford University Press, Oford );

Барқарор тараққиётнинг асосий мақсади –иқтисодий неъматларни келажак авлодлар учун ҳам сақлаган ҳолда адолатли тақсимлаш даражасига эришишдир. (Gudland, R. and Ledoc, G. (1987) Neoclas-sical economics and principles of sustenabl development, Ecological Modeling, Vol. 38.)

#### **Барқарор тараққиёт қўйдагиларни билдиради:**

1.Ўз-ўзини бошқарувчи тизимларнинг махсулдорлигини ошириш ҳамда маҳаллий жамоа ва аҳоли гурухлари турмуш даражасини яхшилашни таъминлаш.

2.Хозирги ва келажакдаги авлодлар учун табиий ресурслар тугашининг олдини олувчи ва атроф мухит холатини хавф остига қўймайдган технологик жараёнларни амалга ошириш.

3.Фуқороларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш. (Singh, N. and Titi, V (1995) Envairoment Tovards Sustenabl Development, Red Books, London, p.8.)

4. Барқарор тараққиёт иқтисодий сиёsatни юритиш вақтида оқилона ёндашувни, атроф мухитни муҳофаза қилиш муаммоларга эътибор берган ҳолда келажак авлодга хам ғамхўрлик қилишни, бу жараёнларда барча манфаатдор шахсларнинг фаол иштироки талаб қилинади. (Barboza, N. (2000) Educating for a sustenabl future: Africa in action. Prospects, 30(1), pp/71-85.

Барқарор фаолиятнинг энг оддий таърифи –унинг яқин келажакда давом этишидир. У камида учта мухим кўрсаткичга эга: табиий ресурсларни асоссиз тутатиш мумкин эмас; табиий мухитга кучли таъсир этувчи ва ўзгартирувчи саноат чиқиндиларини тўплаш ва сақлаш мумкин эмас; жамиятдаги ижтимоий барқарорликка путур етказиши мумкин эмас. (Lowe, I. .(1990) Sustenabl development How do get there ? Autrlian Society. June, No. 5).

Юқорида келтирилган назарий кўрсатмаларни амалга оширишнинг

мухим омилларидан бири Барқарор тараққиёт учун таълим тизимини яратишидир. Бундай талим ва билимларсиз ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланиш бўлиши мумкин эмас албатта. Буни кишилик жамиятининг кўп йиллик тарихи яққол қўрсатди ва одамлар олдига глобал экологик инқиrozларни хал қилиш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

Барқарор тараққиёт учун таълими – **динамик концепция бўлиб**, у ҳар қандай ёшдаги, ҳар қандай ижтимоий табакадаги инсонларнинг билим олиши ва кўниkmаларни эгаллаши орқали барқарор тараққиётнинг ўзаро боғлиқлигини тушинишни таъминлаш ва кенгайтириш мақсадларидағи тълим тизими, кадрлар таёrlаш, жамиятнинг ахборотлар билан таъминлашнинг барча жихатларини қамраб олади.

БМТнинг Атроф Мухит Дастури (ЮНЕП) барқарор тараққиёт таълимининг қуйдаги стратегик мақсадларини белгилайди:

- Иқтисодиётда – хўжалик (экономика) юритишнинг барча асосий соҳаларини малакали мутахассислар билан таъминлаш;
- Ижтимоий соҳада – соғлом ва мазмунли ҳаёт кечириш барчани барқарор тараққиёт учун таълим асосларини эгаллашини ташкил қилиш;
- Экология соҳасида – атроф мухит муҳофазаси масалаларини таълим дастурларига ва аҳолини ахборот билан таъминлаш дастурларига интеграциялаш.

Бундан ташқари бизнинг фикримизча юқорида айтилган стратегияга таълимни (фандинг) барча йўналишларига барқарор тараққиёт учун таълим принципларини интеграциялаш, ҳар бир таълим йўналишига ижтимоий, иқтисодий ва экологик жихатларни ўз ичига оладиган дастурлар, ўқув кўлланмалари ва дарсликлар яратиш мақсадга муофиқ бўлади.

Масалан ижтимоий экологияни ёкий табиатдан фойдаланиш иқтисодиётини ва бошқа фанларни барқарор тараққиёт учун таълим принциплари асосида ўрганиш ва келажакда шу билимга асосланиб ёш мутахассис қандай ижтимоий, иқтисодий ва экологик натижаларга эришади ёкий шундай натижаларга эришишни ташкил қиласи деган саволга жавоб бериш барқарор тараққиёт учун таълимнинг асосий вазифасидир.

**Барқарор тараққиёт учун таълимнинг асосий мақсади олинган билимни ҳаётда (амалиётда) тўлиқлигича фойдаланиш, билимнинг капиталлашуви, инновацияга айланиши ва пировардида барқарор ривожланишни (фаравонликни) локал, минтақавий ва глобал даражада амалга оширишdir.**

Барқарор тараққиёт таълими маҳаллий шароитларни ҳисобга олган, хамда ижтимоий, иқтисодий ва экологик ўлчамлар билан бойитилган холда шу жойнинг маданияти ва ананаларига таяниб амалга оширилмоқлиги зарур бўлади.

Шундагина таълим олаётганлар истеъмолчилик хулқ – атвори, бизнес, инновацион технологиялар, ижтимоий адолатни англаб етиш, талқин қилиш ва тушинишга, энг асосийси келажакни олдиндан қўра билиш асосида олган билимларини ҳаётга тадбиқ қилишни амалга оширадилар.

**Барқарор ҳаётда яшаш учун инсонлар шундай ҳаётни тасвур эта**

## **олишлари ва унга олиб борувчи йўлларни билишлари зарур.**

Бундай ҳаётга етмоқ учун энг катта омиллардан бири барқарор тарққиёт учун таълимдир, ижтимоий, экологик ва иқтисодий мезонларга асосланган бундай таълим албатта фаровонликка, ривожланиб борувчи барқарорликка олиб келади. Бунга мисол дунёни энг ривожланган таълим ва инновацияга асосланган мамлакатларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Хар бир мамлакат экологик, ижтимоий ва иқтисодий ва маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб ўзининг устивор йўналишлари ва ҳаракат дастурларини ишлаб чиқиши, ўз мақсадларини илмий асосланган ечимларини танлаб олишлари зарур бўлади.

Барқарор тараққиёт таълими – доимий англаш ва билиш жараёнидир. Бу жараён аввалам бор:

- Барқарор тараққиётни тушиниш ҳар бир инсон учун нима сабабдан мухимлигини чуқур англаб етиш;
- Барқарор тараққиёт йўлида дуч келадиган муаммолани хал қилиш йўлларини излаб топиш;
- Муаммоларга илмий нуқтаий назардан қараш, дунёдаги рақобатбардош, ҳар тамонлама ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш;
- Барқарор тараққиётнинг асосини таълим, инновацион фаоллик, юқри даражадаги ватанпарварлик каби мезонлар ташкил қилишини чуқур тушиниб етиш.

Барқарор тараққиёт таълимнинг мухим йўналишларидан бири “тизимли фикирлаш”, муммоларни “ижтимоий, экологик ва иқисодий негизлрини” топишга қаратилган билимларни амалга оширишни башорат қилиш, глобал фикирлаш ва локал даражада амалий ишларни бажаришни ташкил қилиш.

Барқарор тараққиёт таълими маҳаллий ҳалқни маданияти ва ананаларини замонавий таълим технологиялари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилган холда олиб борилмоғи зарур бўлади. Шулардан келиб чиқиб, қўйдаги асосий мақсадларни ўз олдига қўйяди:

- Жамиятнинг ривожланишига кўмаклашувчи янги билим ва малакаларга эга бўлиш;
- Соғлом турмуш тарзи мезонларини ҳар бир жойнинг ўз шароитидан келиб чиқсан холда амалга ошириш;
- Умуминсоний ахлоқий қадирятларни сингдириш ва унга амал қилиш;
- Барқарор истеъмол маданиятини яратиш, моддий бойликлардан рацоинал ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- Экологик таълим, тарбия, экологик онг ва маданиятга эга бўлиш, бошқаларни хам шундай ишларга даъват қилиш;
- Фаол фуқоролик позициясига эга бўлиш.
- Ўз соҳасида кучли рақобатбардошликка эга бўлиш.

Бу мақсадларга эришмоқ учун талим жараёнига жиддий ўзгартиришлар киритиш, янги барқарор тараққиёт учун таълим талабларига жавоб берадиган

ўқишиш ва ўқитиши тизимини ишлаб чиқиши мақсадга муофиқ бўлади. Бундай тизимли таълимни ташкил қилишида турли жамоат ташкилотлар, махалла, хотин-қизлар ташкилотлари, нодавлат экологик ташкилотлар, матбуот ходимлари, ишлаб чиқариши соҳси негизида, реал иштирок қилинган холда олиб борилиши керак бўлади.

**Ўзбекистон Республикасининг Барқарор тараққиёт учун таълим концепцияси.** Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО аъзоси сифатида ва ҳалқаро нормалар ва концепциялар асосида, айниқса Барқарор тараққиёт бўйича Бутунжохон Рио Конференцияси, Бутунжохон Йоханнесбург Саммити ва ЮНЕСКО ва БМТнинг МКОСР тавсияларига асосан ўзининг Барқарор тараққиёт учун таълим миллий концепциясини ишлаб чиқди.

Концепцияга кейинги йилларда Президентимиз И.А. Каримов тамонидан атроф муҳит ва барқарор тараққиёт масалаларига бағишлиланган нуфузли ҳалқаро ташкилотларда қилган нутқлари ва маъruzalari хам асос қилиб олинди. Концепция Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ҳалқ таълими вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тамонидан яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни уҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлигининг 2011 йил 19 июлдаги 20/2/305-сонли Қўшма Қарорига асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеясининг 59-сессиясида 2005-2014 йиллар учун Барқарор тараққиёт мақсадлари учун таълим (БТТ) ни амалга ошириш бўйича ҳалқаро схема тасдиқланган эди.

Концепциянинг кириш қисмида айтилишича Барқарор тараққиёт таълими (БТТ) фанлараро ёндашуви асосида таълим олиш, тарбия, ўз-ўзини ривожлантириш ва намоён этиш, мустақил ва танқидий фикрлаш, маънан шаклланган, ижтимоий фаол, ўз ҳатти-ҳаракатларида аҳлоқий ва экологик меъёрларга асосланадиган, ўзбек ҳалқи қадриятларига мос бўлган, экологик билимга чанқоқ, атроф-муҳит ҳолати хақида қайғурадиган ва янги ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни олдиндан кўра олиш хусусиятларини шакллантиришга даъват этади.

БТТ жамиятнинг барча аъзоларини минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал қилиш учун зарур билим ва қўникмаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Агар экологик таълим кўпроқ экологик мавзуларга эътибор қаратса, БТТ сиёsat, иқтисодиёт, жамият ва атроф муҳит ўртасидаги ўзаро алоқадорлиги масалаларига алоҳида ёндашади деб кўрсатилган. Аммо шуни айтиш керакки биз юқорида келтирганимиздек ижтимоий экологиянинг предмети инсон, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаъро муносабатлар ҳисобланади шунинг учун хам экологик таълимни барқарор тараққиёт учун таълимдан алоҳида ажратиш мумкин бўлмайди. БТТ экологик таълимни ижтимоий ва иқтисодий тамойиллари билан бойитади.

Барқарор тараққиёт таълимининг муҳимлигини инобатга олган ҳолда Ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълими вазирлиги ва Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси 2005 йил 7 ноябрда № - 242/33/79 сонли қўшма қарорини қабул қилган. Мазкур қарорда экологик

таълим ва БТТ соҳасидаги узлуксиз экологик таълим Концепцияси, уни амалга оширишнинг дастури ва идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш (ИМК) таркибини тасдиқлаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг БТТ бўйича концепцияси БМТнинг БТТ бўйича қабул қилган ўн йиллиги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрь №-212 сонли қарорида тасдиқланган “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳаракат дастури”ни амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилган.

Концепцияда айтилишича “Таълим, мамлакатни барқарор тараққиётга ўтиши учун фуқароларда уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол қатнашишида зарур бўладиган билимлар, қарашлар ва кўнималарнинг шаклланишини таъминлашда муҳим восита ҳисобланади”. Шунингдек таълим фуқороларнинг экологик билимларини, экологик онги ва маданиятини оширишда хам муҳим рол ўйнайди экологик тарбияга катта таъсир кўрсатади.

Концепцияда кўрстилишича БТТнинг асосий ғоялари кўйидаги **стратегик ва дастурий хужжатларда ўз аксини топган:**

- “Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё Давлатлари ва ҳалқаро ҳамжамиятнинг Нукус декларацияси” (5 сентябрь 1995 йил);
- «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори савияли мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (2011 йил 20 май);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг “Минг йиллик ривожланиш мақсадлари” бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги маърузаси (2010 йил 20 сентябрь);
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” (2010 йил 12 ноябрь);
- ЮНЕСКОнинг «Таълим барча учун» лойиҳаси доирасида 2003-2015 йиллар учун қабул қилинган Миллий ҳаракат дастури;
- Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат дастури.

Юқрида айтилганлардан ташқари Концепцияга асос бўла оладиган бир қатор ҳалқаро хужжатлар мавжудки уларни кўрсатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Улар қаторига қўйдагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари китоби.”
- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш- мамлакатни

барқарор тараққий эттириш ва модренизация қилишнинг энг мухим шарти” мавзусидаги ҳалқаро конференциянинг очилишидаги нутқи (27.02.12).

- Барқарор тараққиёт бўйича Бутунжахон Саммити қарорлари (Рио-Де-Жанёйро ш., Бразилия, 1992 й.);
- Бизнинг умумий келажагимиз Г.Х. Брунтланд, Атроф муҳит ва ривожланиш бўйича БМТнинг Халқаро комиссия маъruzаси (WCED), 1983 й.;
- «Ривожланиш чегаралари» — Ер шарининг аҳолисини тез ривожланиш оқибатлари ва ресурсларни камайиб кетишини моделлаштриш хақида китоб. Рим клубини буюртмаси асосида. Авторлар: Донелла Н. Медоус, Dennis L. Медоус, Jørgen Randers, и William W. Беренс III. ;
- БМТнинг Бутунжахон Конференцияси Сиёсий деклорацияси. (Йоханнесбург ш., Жанубий Африка Республикаси, 2002 й.)

Концепцияда **БТТ (Барқарор тараққиёт тамойиллари) асосий мақсади қўйдагича кўрсатилган** – “барқарор тараққиётнинг ғоялари ва тамойилларини таълимнинг барча шакллари ва босқичлари билан интеграциялаш ва мустақил дунёқарашга эга, танқидий фикрлай оладиган, ижтимоий, иқтисодий ва экологик йўналтирилган ва фаол фуқаролик муносабатини билдира оладиган шахсларни тайёрлаш ҳисобланади.” Шу билан бирга Президентимиз бир неча бор такрорлаганидек Барқарор тараққиёт учун таълим мақсадларидан яна бири рақобатбардош, инновацион фикирловчи, креатив ва билимни капитализациялашга қодир бўлган ёшларни таёrlашdir.

“БТТ ҳал қилувчи аҳамиятга эга ғоялари ҳозирги замон ва келажакдаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни, шу жумладан Орол инқирози муаммоларини ечиш ва олдиндан қўра олишга йўналтирилган билим, қўникма ва қобилиятларни ривожлантириш ҳисобланади. “ деб кўрсатилади таҳлил қилинаётган концепцияда” Бизнинг фикримизча **БТТнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган фундаментал ғояси инсоннинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик тамойилларни ўзаъро коэволюцион ривожланишини таъминлаган ҳолда фаровон ҳаётга эришишdir.**

Концепцияда **БТТнинг асосий тамойиллари** деб қўйдагилар кўрсатилган:

- Жамиятнинг қадриявий йўналишлари – адолат, келажак авлодлар олдидаги жавобгарлик этикаси (келгуси авлодлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда);
- Фанлараро ёндашув – ижтимоий, иқтисодий ва экологик мақсадларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- Тармоқлараро ёндашув асосидаги ҳамкорлик – жамиятни барча аъзоларининг демократик қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши (давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти, ўқув ва илмий-текшириш муассасалари, хусусий тадбиркорлар ва бошқалар);

- Ҳаёт давомийлигидаги таълим – таълим тизимининг барча шакллари ва даражалари.

### **БТТнинг стратегик вазифалари**

- Ўқув муассасалари бошқарувини номарказлаштириш;
- Таълим жараёнида ҳуқуқий (шу жумладан экологик-ҳуқуқий) маданиятни ривожлантириш;
- Таълим тизимида ахборот ва коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш;
- Ўқув муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликни шакллантириш ва ривожлантириш;
- Рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш мақсадида турли таълим шаклларини қўллаб-қувватлаш.

### **Фаолиятнинг бош йўналишлари:**

- БТТнинг стратегик вазифаларини таълим, атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий-иктисодиёт соҳасидаги қонунчиликка жорий қилиш;
- Давлат дастурларида БТТнинг стратегик вазифаларини ҳисобга олиш;
- Таълимнинг барча босқичлари сифатини яхшилаш, бунинг учун;
  1. Таълим олишнинг шакилларини ва таълим олиш имкониятларини кенгайтириш;
  2. Илмий-педагогик кадрларнинг қасбий билимларини ва ўқув муассасалари битиurvчиларининг тайёргарлик савиясини юксалтириш;
  3. Таълим беришнинг интерфаол усулларига, шу жумладан ахборот коммуникацион технологияларга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
  4. Янги, шу жумладан нанотехнологияларни ривожлантириш соҳасида илмий фаолият ва БТТни рағбатлантириш.

**Концепцияни амалга ошириш** БТТ бўйича концепция таълимнинг формал (давлат таълим стандартлариiga асосланган) ва ноформал (мактабдан ташқари, факультатив ва қўшимча таълим шакллари) тизимида, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Ҳалқ таълими вазирлигининг БТТ бўйича ҳаракат дастурлари асосида мустакил ўқув фанларига интеграциялаштирилган ҳолда тизимли равишда амалга оширилиши лозимлиги Концепцияда кўрсатиб ўтилган.

### **3. Барқарор тараққиёт учун таълим мақсадларини ижтимоий-экологик таълим тизимига интеграциялаш.**

Таълимни ҳар бир босқичига ва ҳар бир ўқув предметига барқарорлик масалаларини киритиш орқали Барқарор тараққиёт учун таълимни мактаб ўқув дастурларига интеграциялашдан бошламоқ керак булади. Ўз хусусиятларига кўра баъзи ўқув предметлари бошқаларга нисбатан БТТ учун кўпироқ имкониятларга эга бўлишига қарамасдан барқарор ғояларини тарқатиш барча ўқув предметлари учун хам муҳим ҳисобланади.

ЮНЕСКО тамонидан ишлаб чиқилган стратегияда айтилишича Барқарор тараққиёт таълими “фанлараро тадқиқотларни ва аниқ ҳаракатларни “ талаб этади. Бу албатда ананавий ўқув предметларидан

фойдаланмасликни билдирамайди. Йирик олдинга силжишлар ва ихтиrolар учун зарур масалаларни чукурроқ таҳлил этишда алохида фанлар катта ёрдам беради. **Мухим ихтиrolар аниқ фанлар ичида эмас, балки турли фанлар бирлашган нуқтада қилинади.**

Барқарор тараққиёт учун таълимини ижтимоий ёки табиий фанлар каби алохида фанларга тенглаштириш нотўғри бўлади. Уларнинг барчаси Барқарор тараққиёт таълим ўқув режасининг таркибий қисмлари бўлиб ҳар бирининг ўз ўрни ва ахамияти бор.

**Барқарор тараққиёт учун таълимини ижтимоий экология фанига интеграциялаш инсон, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни муюғлаштиришда, уларни қоэволюцион ривожланишида мухим ахамият касб этади.** Ижтимоий экологиянинг интегратив фан эканлигини ҳисобга олган холда шуни айтиш кераккий Барқарор тараққиёт учун таълим принципларини ушбу фанга интеграциялаш бирмунча осон кечади. Бундай принциплара қўйдагиларни киритиш мумкин:

**Ижтимоий принциплар.** Барқарор ривожланишининг ижтимоий таркиби инсонга қаратилган бўлиб, ижтимоий ва маданий тизимларни барқарорлигини таминлашга йўналтирилган. Бундай қарашларнинг мухим жихатларидан бири бойликларниadolатли тақсимлаш, инсон манфаатларини қўллаб-қувватлаш, инсон омилини фаоллаштиришнинг ижтимоий гигиеник ва экологик ўлчамларини такомиллаштириш.

Инсоннинг психофизиологик, эргономик, санитар-гигиеник талабларини қондиришининг ўз ичига олган тадқиқотлар олиб бориш ва ҳаракат дастурлари ишлаб чиқиши (Атроф мухит гигиенаси бўйича миллий дастур ва бошқалар). Биз юқорида айтганимиздек ижтимоий экологиянинг асосий вазифаларидан бири экологик таълим – тарбия, экологик маданият, аҳолини экологик онгини ошириш, ижтимоий ҳаётда бу жараённи амалга оширишда хам Барқарор тараққиёт учун таълимнинг ижтимоий принциплари мухим рол ўйнайди.

Инсоннинг хозирги замон глобаллашув жараёнидаги таҳдидлардан ижтимоий-экологик, тиббий – биологик, иммунитет танқислиги билан боғлиқ бўлган патологик ўзгаришларни олдини олиш. Марказий Осиё шароитида “Ўлка патологиясини” ижтимоий жуғрофик ва экологик жихатларини ўрганиш.

**Иқтисодий принциплар.** Барқарор тараққиёт таълимини Иқтисодий ташкил қилувчиси Хикс- Линдалнинг “бойликни умумий оқими” назариясига асосланган. Ушбу концепция чегараланган ресурслардан оптимал фойдаланиш ва табиий, энергетик, материалларни тежамкорлигини ошириш, чиқиндисиз технологиялардан фойдаланиш, яшил иқтисодётни кенг тадбик қилиш, “тоза ишлаб чиқариш” тизимини яратишни илгари суради.

**Экологик принциплар.** Экологик нуқтаний назардан барқарор тараққиёт биологик ва физик табиий тизимларнинг яхлитлиги билан намоён бўлади. Бутун биосферанинг глобал мувозанатини саклаш учун экотизимларнинг ҳаётийлиги мухим ахамиятга эга бўлади. Бундан ташқари “табиий” тизимлар яшаш ареалларини инсон тамонидан яратилган тизим деб тушунмоқ керак, масалан шаҳарларни барпо этилиши. Асосий эътибор нафақат айрим

тизимларнинг “идеал” холатда сақланиши, балки, бундай тизимларнинг ўз-ўзидан тикланиш қобилятини сақланиб қолишига ва ҳар қандай ўзгаришларга, динамик адаптацияси жараёнларига катта эътибор берилади. Табиий ресурсларнинг деградацияси, атроф мухтитни ифлосланиши, ва биологик хилма-хилликни пасайиб кетиши экотизимларнинг ўз-ўзидан тикланишини камайтириб юборади.

**Концепциянинг бирлиги.** Бундай ҳар хил қарашларнинг ўзаъро келишуви ва уларни аниқ амалий тадбирларга ўтказиш барқарор тараққиётга эришишнинг мухим омили ҳисобланади- бундай вазифа эса ўта қийин бўлиб, барқарор тарққиётнинг учта элементи ўзаъро мувозанати таъминланмоғи керак бўлади.

Бундан ташқари юқорида айтилган уч концепцияни ўзаъро таъсир механизми хам мухим ахамиятга эга. Иқтисодий ва ижтимоий элементлар бир бирлари билан ўзаъро боғлиқ холатда бўлади ва бир авлод ичидаadolat ришталарини пайдо бўлишига сабаб бўлувчи, янги бир вазифаларни келтириб чиқаради (мсалан даромадни тўғри бўлиниши, ахолини кам таъминланган қисмига мақсадли ёрдам бериш ва бошқалар).

Иқтисодий ва экологик ўзаъро таъсир механизми атроф мухитга ташқи таъсирни нархни баҳолаш ва интернализациялаш (корхоналарни иқтисодий ҳисботида) каби янги гояни келиб чиқишига сабаб бўлди. Ва нихоят ижтимоий ва экологик элементларнинг ўзаъро боғлиқлиги авлодлар ичи ва авлодлар аъро тенгликни шу жумладан келажа авлодларни хуқуқини ва ахолини қарорлар қабул қилиш жараёнида бевосита қатнашишини таминалаш ҳисобланади.

Барқарор тараққиёт концепциясини амалга оширишнинг мухим масаласи, айниқса у кўпинча эволюцияланувчи деб ҳисобланишидан келиб чиқкан холда, унинг амалий ва ўлчамли индикаторларини аниқлашдан иборатdir. Бу йўналишда ҳалқаро ташкилотлар ва илм ахли катта ишлар олиб бормоқдалар. Юқоридаги фикирлардан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, бундай индикаторлар барча уч элементни (триада) боғловчи ва экологик, иқтисодий ва ижтимоий йўналишларни намоён қиласи ( шу жумладан психологияк, масалан барқарор тараққиётни идрок этиш).

Барқарор тараққиёт концепциясининг пайдо бўлиши ананавий иқтисодиётнинг фундаментал асосларидан бўлган – чегарасиз иқтисодий юксалиш гоясини бузиб юборди. БМТнинг Конференциясида (РИО-депони, 1992 й.) “21 аср кун тартиби” 4 боб, 1 қисмидаги ушбу масалага алоҳида ўрин берилган.

Шундай қилиб барқарор тараққиёт учун таълим мақсадларини экологик таълимга интеграциялаш ижтимоий экологиянинг хам назарий, хам амалий жихатдан бойитишига, унинг категорияларида ижтимоий ва иқтисодий элементларни бевосита иштирок этишини таъминлайди, айниқса социоэкотизимларни барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ва экологик ўлчамларини ишлаб чиқиш ва натижада барқарор ривожланиш асосларини яратиш хозирги замон ижтимоий экологияси фанининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

## **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий**

63. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.
64. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.
65. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.
66. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2018 й. 416 с.
67. Шадиметов Ю.Ш.Актуальные вопросы экологического образования и воспитания. Монография. 2018 г. 268 С.
68. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан».-Т.: “Chinor ENK”, 2012.
69. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси. Тошкент. 2019.

### **Қўшимча**

1. А.Э.Эргашев. Ҳозирги замоннинг экологик муаммолари ва табиат мухофазаси. Тошкент 2012 й. 403 б.
2. Смоляр, И. М. Экологические основы архитектурного проектирования: учебное пособие / И. М. Смоляр, Е. М. Микулина, Н. Г. Благовидова. – Москва : Академия, 2010. – 157 с.
3. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.
4. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро эксперталар гуруҳининг умумлаштирилган маъruzаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

### **Интернет сайтлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)
3. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
4. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

### **З-мавзу :Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.**

**Режса:**

- 1.Экологик таълимнинг асосий йўналишлари.**
- 2.Экологик таълимнинг асосий принциплари.**
- 3.Экологик тарбия.**

#### **1.Экологик таълимнинг асосий йўналишлари.**

**“ Экологик таълим – инсон тамонидан англаб етилган атроф мухит қадриятлари бўлиб, инсон ва унинг маданияти, ўраб турган атроф биофизик мухитини ўзаро боғлиқлигини ахамиятини тушиниши ва тан олиши учун керакли билимлар ва қўникмаларни асосий низомлари хисобланади”**

Хозирги замон ижтимоий-экологик тадқиқотлар инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни кенг доирада ўз ичига олади. Шулардан айрим йўналишларини кўриб чиқамиз.

**Назарий-методологик йўналиш** инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни умумий концепцияларини ўз ичига олади. Масалан генезис жараёнида инсон фаолиятида меҳнатни роли таҳлил қилинади, субъект (инсон) билан обьект (табиат) қарама-қаршиликларни вужудга келиши ва уни кучайиши кўрсатиб берилади. “Ривожланиш” тушунчасига кўпроқ экологик йўналишга бойитилган мазмун киритилади, унга нафақат бевосита моддий бойликка эришиш, балки инсон манфаатлари учун қайта ишланган, аммо тарихий мавжуд бўлган табиий тизимларни сақлаб қолиш хам киртилади.

Хозирги замон ижтимоий-экологик қийинчиликларидан чиқишини йўли илмий-техника тароққиётидан воз кечиши эмас, балки ривожланиш жараёнининг негатив оқибатларини енгиб ўтиш ва йўқотиш, ёки инсон фаолиятининг ижтимоий-экологик оқибатларини ҳисобга олиш хақидаги тезис илгари сурилади. Онгни “экологиялашуви”таҳлил қилинади ва унинг инсон- жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни реал феноменга айланайтганлиги, хада бу жараён амалиётга кириб бораётганлиги кўрсатиб берилади.

**Фаншунослик йўналиши,** бу йўналиш бир тамондан хозирги замон экологик холатнинг табиий, техник ва ижтимоий фанларнинг ривожланиш ҳарактери, тенденцияси ва келажагига таъсири билан ифодаланса, иккинчи тамондан – бошқа фанларда ишлаб чиқилаётган тушунчаларни ассимляцияси жараёнини табиат ва жамият хақидаги билимлар тизимида ортиб бораётган экологик билимлар статусини мухирланиб бораётганини кўрсатади.

Ижтимоий –экологик билимлар функциясини динамикасини маркази, уларниг ижтимоий-маданий институтлари ва моддий ва маънавий ишлаб чиқариш структурасини ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш. Инсон ва табиат ўртасидаги муаммолардан бўлган комплекс-глобал муаммоларни

самарали таҳлил қилишга асос солувчи, информацион жараёнлар тизимини ташкил қилиш, вазифасини аниқлаш ва мукамаллаштириш масалалари кўриб чиқилади.

Илмий фаолиятни ташкил қилиш масалалари таҳлил қилинади, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инсонинг яшаш муҳитини яхшлаш ишларига қаратилган сиёsatни ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор берилади.

**Техник –технологик йўналиш** илмий-техника даражасида инсон ва биосфера ўртасидаги муносабатларни оқилона ташкил қилишнинг йўлларини кидириб топиш кўзда тутади. Умумий тузилишда олганда гап инсон фаолиятининг тарихий ташкил топган функцияланиш принципларни трансформациялаш мумкинлиги хақида кетмоқда, аникроғи ананавий маҳсулот истеъмол қилиш фаолиятидан, уларни ўрнини тўлдириш (компенсация қилиш), назорат ва башорат қилиш билан бирга олиб бориш ҳисобланади.

Аниқ-амалий тузилишда олганда бундай қарашларнинг амалга оширилиши ўз кўринишини анаънавий технологик жараёнларни мукамаллаштриш ва янги, “айланма даражали” технологиялар тизимига йўналтирилган жараёнларга қаратилгандир. Бошқача қилиб айтганда чиқиндисиз ва камчиқиндили, инновацион-коммуникацион технологиилар тизимини яратишга қаратилгандир. Бу эса утилизацион жаронларни мукамаллаштириш ҳисобига нафақат табиий ресурслардан фойдаланишни камайтиради балки, технологик омилларнинг яратиш асосида келажакда биосферага ишлаб чиқариш ташланмаларни камайтиришга (ёки умуман олдини олиш) олиб келади.

Буларнинг барчаси инсон яшаш муҳити “сифати”ни техника-технологик йўллар орқали хал қилиш асосида ётади. **Бундай йўналиш бизнинг фикримизча жамиятда техник-технологик онгни, инновацион фикирлаш жараёнини вужудга келтириш билан боғлиқдир.**

**Табиатнослик йўналиши** инсоннинг биосферага антропоген ва техноген ҳарактердаги салбий таъсирлри оқибатларини бартараф қилиш ва олдини олишга қаратилгандир. Аниқ экотизимларни ва умуман олганда глобал экотизимларни деградацион ўзгаршлари, иқлим эволюцияси, биосфера ҳароратининг тебраниши, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек инсон организмига таъсири билан боғлиқ бўлган амалдаги мтериаллар таҳлил қилинади.

Бундай йўналишлар доирасида табитани муҳофаза қилиш фанининг назарий-методологик ва амалий асослари яратилади, кенг маънода, айниқса билимлар комплекси сифатида қаралади ва нафақат табиий экотизимларни сақлаш, бор бўлган ўсимликлар ва ҳайвонлар, нодир ва қимматли турларни бойитиш ва кўпайтириш жараёнларини, балки илмий-амалий услублардан табиий ресурсларни қайта тиклаш жараёнида самарали фойдаланиш ва бу ишларни жамиятнинг мақсадли тлабларига мос холда, экологик асосланган оптимистик тамойиллар асосида олиб борилади.

**Глобал йўналиш** эклогик масалалар статусини хозирги замон

экологик муаммолар тизими доирасида аниқлаштиради. Экологик масалаларнинг (муаммоларнинг) ўзаъро боғлиқлиги аниқлаштирилади, шу жумладан:

**Биринчидан**, жамиятнинг асосий ижтимоий-экологик муаммолари (тинчлик ва қуролсизланиш муаммолари, ижтимоий ривожланиш ва иқтисодий ўсиш);

**Иккинчидан**, илмий-техник ва ижтимоий-маданий ҳарактердаги муаммолар (илмий техника тараққиёти муаммолари, таълим ва маданият, аҳолишуносликни ўсиши, соғлиқни сақлаш, инсоннинг мослашуви-адаптация, унинг келжаги);

**Учинчидан**, инсон ва табиат ўртасидаги муаммолар (ресурслар муаммолари, энергетика, озиқ-овқат муаммолари ва бошқалар);

Агар глобал экологик муаммоларга таъллуқли бўлган аниқ фактлар етарлича бўлса, уларнинг маъносини аниқлаш, айниқса ижтимоий-маданий, иқтисодий-ишлаб чиқариш, илмий-техник а аксеологик ўзгаришлар инсон мухитининг хавфли деградацион ўзгаришларини йўқотишни бутун глобал муаммоларни тизимини марказлаштиришсиз хал қилиб бўлмайди.

**Прогностик (Башорат қилиш) йўналиши** ижтимоий-экологик жараёнлар доирасида устивор тенденцияларни аниқлашга қаратилган. Гап нафақат жамият ва табиат ўзаъро таъсири тизимида хозирги замон холатни экстраполяция қилиш, балки ижтимоий-экологик ривожланишнинг прогнозлаштириш асосида ётган (яқин ва узоқ вақтларга мўлжалланган) тадбирларга баҳо бериш ҳисобланади.

Ушбу йўналишнинг мухим элементи глобал эологик муаммоларни хал қилишда ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш, барча мамлакатларнинг ҳаракатини қўйдаги мақсадларга бирлаштириш:

1. инсоннинг яшаш мухитини салбий ўзгаришларини олдини олиш;
2. табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
3. инсоннинг эркин ривожланиши учун биосферани мусаффолигини таъминлаш;
4. инновацион технологиялар ва экологик новациялардан кенг фойдаланиш;

5. ижтимоий –экологик тиденцияларни башорат қилишда математик ва компьютерли моделлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш, глобал ва минтақавий мониторинг, хамда экологик индикаторлар тизимидан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

**Таълим ва тарбия йўналиши** атроф мухит соҳасида таълим тизимининг мукамаллаштириш борасида назарий тадқиқотлар олиб бориш, соҳани ривожлантиришнинг амалий ечимлаарини ва тарғиб қилиш йўлларини излаб топиш.

Ижтимоий-экологик билимларнинг комплекс тизимини яратиш, ва бу ишларни аниқ таълим даражасида ишлаб чиқиш (блалар ўртасида экологик таълим тарбия, олий ўқув юртларида ўзига хос таълим тизимини яратиш, мутахассисларни экологик блимини ошириш, атроф мухит бўйича нофармал таълим масалалари ва бошқалар), инсон билан табиат ўртасидаги ўзаъро

муносабатларни назарий ва амалий йўналишларини босқичма-босқич тарғиб қилиш.

Хозирги замон ноосфера таълимотини, коэволюцион ривожланиш ва барқарор тараққиёт концепцияларини аниқ ва тушунарли холатда аҳолининг барча қатламларига етказиш, бу ишларга давлат ва нодавлат ташкилотларини, ҳамда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини кенг жалб қилиш ушбу йўналишнинг мухим вазифасига киради.

Экологик таълим – ҳар тамонлама етук инсонни яратиш жараёниннинг таркибий қисмиларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун хам табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари Республикаизда яратилган ахборот ва тарбия тизимининг кучли комплексига устувор масала сифатида киритилган.

Шунинг учун хам экологик тарғибот сифат жихатдан янги пағонага кўтарилимоқда ва ушбу соҳанинг янги йўналиши – экологик журналистика вужудга келди, ҳамда экологик тарғиботнинг хали очилмаган қирраларни излаб топмоқда. Улар қаторига қўйдагиларни киритиш мумкин:

1. Табиий ресурсларни ўзлаштириш, муҳофаза қилиш ва қайта ишлаш жараёнларида мувозанатни сақлаш.

2. Табиий бойликлардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишнинг тармоқлараъро комплекс қарашларини ишлаб чиқиш, аосий эътборни чиқиндисиз ва камчиқиндили технологияларга қаратиш.

3. Ишлаш, дам олиш, инсоннинг ҳаёти учун соғлом муҳитни ташкил қилиш, экотизимларнинг бошқа биологик ҳамжамоалар билан мувозанатни сақлашни таъминлаш.

4. Экологик қонунларни ва хўжалик юритиш маданияти бирлигини (барқарор ривожланиш принцплари асосида) тарғиб қилган холда, хом ашё, энргетик ва меҳнат ресурсларини тежаш, қабул қилинган экологик нормативларни бажарилишини ёки бузилишини ошкора информацион таъминлашни ташкил қилиш.

5. Инновацион технологиялар ва экологик новациялар асосида маҳсулотларни, хизматларни кенг тарғиб қилиш, иқтисодиёт ва экологиянинг ҳамоҳанг (коэволюцион) ривожланиши борасида қилинган амалий ишлар, лоихалар ва тажрибаларни информацион таъминлаш.

Экологик таълим узлуксиз ўқиши, тарбияни ва шахсни ривожланишини назарда тутади ва илмий-амалий билимлар ва кўникмалар тизимлари, шунингдек қадирятлар йўналишини, хулқни ва фаолиятни ўз ичига олади.

Экологик таълим тизими қўйдаги тамойилларни ўз ичига олади: гумманизация, илмийлик, интеграция, тизимлийлик, узлуксизлик ва экологиянинг глобал, минтақавий ва локал жихатларини ўзаъро боғлиқлигини очиб бериш. Экологик таълим умумий ва ўрта таълим тизимида интегратив рол ўйнайди. У қўйдаги педагогик функцияларни бажаради:

- Ўқувчилар онгига дунёни ягона кўринишини ва ривожланишини пайдо бўлишига ёрдам бериш;

- Бор мактаб таълимининг гуманизациясининг муҳим компоненти ҳисобланади;
- Ўз фаолиятида ва бошқалар фаолиятида умумтаълим ва умуминсоний башорат қила олиш имкониятларини яратади. Ўқув жараёнида ахлоқий тарбияни кенгайтириш имкониятларини кенгайтиради.

Дунё амалиётида экологик таълимни мумкин бўлган уч моделини кўриб чиқилади. Бундай моделлар қўйдаги жадвалда кўрсатилган.

<u><i>Бир предметли</i></u>	<u><i>Кўп предметли</i></u>	<u><i>Аралаш</i></u>
Экологик йўналишдаги интеграллаштирилган ўқув предмети киритилади.	Анаънавий курслари ва предметлари экологиялашади.	Экология йўналиши бўйича янги курс киритилиб, шу билан биргаликда ўқув предметлари экологиялашади.

Кўпчилик аралаш моделини ишлатадилар, уни амалга ошириш “Экология” ўқув курсини мазмунини ишлаб чиқиши, анаънавий ўқув предметларини, шунингдек атроф муҳитни ўрганиш бўйича практикумлар сериясини хам ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Психологларни фикрича атроф муҳитга бўлган муносабат инсон психикасининг эмоционал-интеллектуал ва иродали соҳасини ўзаъро таъсири жараёнида вужудга келади. Фақат шундагина шахснинг психологик қарашлар тизими хосил бўлади. Шунинг учун хам экологик таълим вазифаларини амалга ошириш нафақат таълимни мазмунини, балки ўқитиш жараёнини тузилиши ва усувларини хам ўзгартиришга тўғри келади. Ўқитишнинг шундай услублари, формалари ва методик усувларига эътибор бериш керакки, улар қўйдаги натижаларга олиб келиши мумкин:

1. талабалар ва ўқувчиларни атроф муҳит бўйича билимини доимий равишда ошириб боришга рағбатлантириш керак (ишchanлик дарслари, сюжетли –ролли ўйинлар, дарсли-конференциялар, семинарлар, сухбатлар, диспутлар ва бошқалар), шунингдек ўқувчиларни ижодий фикирлашга, инсоннинг табиатга таъсирини оқибатларини олдиндан кўра билиш, (интеллектуал кўникмаларни таъминовчи усувларни ишлаб чиқиш: анализ, синтез, таққослаш, сабаб ва оқибатларни боғлиқлигини; шунингдек анаънавий услублар: сухбатлар, кузатишлар, тажриба, лаборатор ўқиши фаолиятининг эвристик ҳарактерда устивор бўлган холда).

2. тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланишини таъминлаш, экологик мақсадли қарорларни қабул қилишга ўқиш ва янги билимлар олиш.

3. Талабалар ва ўқувчиларни атроф муҳит муаммоларини хал қилиш бўйича амалий фаолиятга жалб қилиш (нодир ва йўқолиб бораётган турларни аниқлаш, экотуризм маршурутларини ишлаб чиқиш, экологик қонунларни амалга ошириш механизмларини яратиш, экологик билимлар тарғиботини ташил қилиш.

**Узлуксиз экологик таълим.** Узлуксиз экологик таълим атроф муҳитни баҳолаш бўйича амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб қиласди.

Талабалар ва ўқувчиларни амалий экологик фаолиятини атроф мұхит холатини баҳолаш ва тадқиқотлар ўтказишига қаратадилар, бундай ишлар таълим мазмунининг мухим қисми ҳисобланиб, экологик таълим амалиётіда кенг фойдаланилади. Экологик тадқиқотлар ўқувчиларга олинган билимларни умулаштиришга, бошқа фанлардан олинган билимлардан фойдаланишига, хамда шулар асосида у ёки бу экологик муаммоларни хал қилишда ўз нұктаій-назарларини асосида масалани хал қилиш йўлларини таклиф қилишларига олиб келади.

Экологик таълим ижтимоий-экологик онгни шакилланишига, хуқуқий позицияни, илмий билимлар мажмуасини, билимларни амалиётга тадбиқ қилишни, ўзаъро хамкорликни яратувчи, инсон ва умуман жамият маданияти даражасига қўтаришига, одамларни ахлоқий сифатини мукаммалаштиришига чақирувчи омилдир.

Экологик таълим Барқарор тараққиёт концепцияси доирасида умуман таълимни стратегик мақсадларини аниқловчи, бўлажак мактабни интеллектуал асосини ташкил қилувчи ва тизимлаштирувчи омилга айланади.

Янги дунёкараш ўз-ўзидан туғилиб қолмайди. Ҳар бир фуқоронинг экологик онги вақти келиб табиат ҳаёти учун бефарқ бўлиши мумкин эмас, агар у (фуқоро) мухим қарорлар қабул қилувчи раҳбар лавозимига қўтарилса хам, оддий врач, педагог ёки фермер бўлса хам.

Хозирги замон жамиятида шундай фикир пайдо бўлдики, гўё хўжалик юритишни яхши ташкил қилиш ва юқори унимдорли техника ёрдамида барча иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни хал қилиш мумкин. Аммо, шуни айтиш керакки хатто энг мукаммал техника хам табиатни ривожланиш қонунлари билан қарама-қаршиликка дуч келади, атроф мұхитга зара етқазади ва провардида инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундай шароитда албатта шундай тушинча пайдо бўладики, табиатга нисбатан фақат истеъмолчилик муносабатини тугатиш билан экологик муаммоларни хал қилиб бўлмайди, айниқса жамиятни жисмоний ва руҳий деградациядан сақлаб қолиш мушкулдир.

Иқтисодиётни ва ишлаб чиқаришни экологизациялаш, постиндустриал экологик қарашларга эга бўлган цивилизация яратиш, бунинг учун ягона назарий асосда яратилган ва табиат хақидаги ананавий дифференциялашган фанлар доирасидан ташқарига чиқадиган табиат хақидаги интегратив фан, таълим ва тафаккурни вужудга келтирмоқ керак.

Умуман олганда, ЮНЕСКОнинг стратегик вазифаси ўз олдига “глобал таълим тармоини” яратишдир. Ўқув тизимининг барча босчқичлари ўз ичига глобал экологик муаммолар билан тнишиш, инсониятга хавф солиб турган экологик омилларни билиш, планетар доирада инсон, жамият ва табиат ўртасидаги ўзаъро боғлиқликни тушиниб етиш кераклиги хозирги куннинг талабидир.

Узлуксиз экологик таълимнинг мухим мақсади ва экологик муаммоларни хал қилиш омилларидан бири глобал таълимга етиб боришидир, бу эса экологик масалаларни барча ўқув дастурларини марказига қўйиш, шу

жумладан болалар мактабгача муассасалардан бошлаб, то олий ўқув юртларигача, ўқитувчиларни, хамда бошқарув аппаратини таёrlашгача.

Тараққиёт стратегияси умумэкологик таълимга интеграциялашга асосланган. “Бизнинг яшаб қолишимиз, атроф мухитни мухофаза қлиш деган фикир қуруқ сўз бўлиб қолиши мумкин, агар биз ҳар бир болага оддий ва ишончли фикирни тушинтира олмасак: одамлар –бу табиатнинг бир қисми, биз ўз дараҳтларимизни ва дарёларимизни, далаларимизни ва ўрмонларимизни ҳаётни севгандек севишимиз керак” (Майор Ф., 1990 г.)

Экологик таълимни методологик асоси экологк инқирознинг сабабларини турли хил тушинишлардан ва улардан чиқиши йўлларидан келиб чиқадиган қарашлардир:

- **Табиий-илмий** – инқирознинг сабаби –одамларда табиат хақидаги билимларни камлиги, табиий ўзаро боғлиқликлар ва инсоннинг атроф мухитга таъсирини оқибатлари; муаммонинг хал қилиш йўллари иложи борича қўпроқ одамларни табиий –илмий предметлар орқали экологик билимларга ўқитиш, айниқса биология, физика, кимё, география, медицина ва бошқа фанларнинг ютуқларидан кенг фойдаланилган холда бундай ўқишлиарни олиб бриш;

- **Натуралистик** - бу йўналишнинг асосий ғояси “фақат абстракт билимлар орқали эмас, балки табиатни табиатда, табиат қўйнида ўрганиш”

- **Глобал-биосферали** – бунда экологик инқироз глобал планетар ходиса сифатида қаралади, бундан чиқиши эса одамлар тамонидан глобал экологик муаммоларни келиб чиқиши сабабларини билиш ва дунё хамжамияти ҳаракатларини бирлаштирувчи сиёсий хал қилиш йўлларини излаб топиш;

- **Муаммоли** – инқироз бу бор бўлган экологик маммоларни: атроф мухитни ифлосланишини, биологик хилма-хилликни камайиши, табиий ресурсларни камайиб кетиши ва бошқалар; бу йўналиш одамларда “уй, макон хиссини уйғотиш” ёнма-ён яшаётганларга бўлган маъсулиятни қўтариш ва бор бўлган аниқ экологик муаммоларни бартараф қилиш; муаммоларни хал қилш йўллари одамларни атроф мухитни мухофаза қилиш, хамда уни қайта тиклашга қаратилган билимлар ва кўникмаларни шакиллантириш, шунингдек уларда ўз фаолиятига шахсий маъсулиятни қўтариш ҳисобланади;

Юқорида кўрсатилган турли хил йўналишлардан икки поляр қарашларни ажратиш мумкин. Бу табиий-илмий қарашлар (йўналишлар) булар доирасида ўқиш : биология, химия, география ва бошқа предметларни билиш орқали олиб борилади. Бу қарашлар экологик инқирознинг эоктизимларни турли хил даражалари хақидаги билимларнинг пастлигидан, унга инсонни таъсири ва ўзаро боғлиқликдан деб қарайди.

Қадриятлар қарашлари экологик инқирозни моддий манфаатларни маънавий манфаатдан юқори қўйганлик натижалариdir. “Инсон ўзини табиат билан қардош эканлигини хис этмоғи керак, ўз ихтиёжларини меёрли равишда олиб бормоғи ва маънавий соҳани ривожлантирмоғи” керак бўлади.

**Узлуксиз экологик тълимни асосий мақсади ёшларда ва умуман жамиятда илмий ва амалий билимларнинг бирлигига асосланган экологик**

дунёқарашни шакиллантириш ва ўз саломатлигига, атроф мұхитта, ҳаёт сифатини яхшилашга, инсоннинг ихтиёжларини қондиришга қаратылған маъсултатлий ва ижобий эмоционал-қадриятларни шакиллантиришdir.

Бундай мақсадларга әришмоқ учун ўқув жараёни қўйдагилрга қаратилмоғи керак бўлади:

- “инсон –жамият ва табиат” тизимида бўлиб ўтаётган жараёнларни тушиниб етадиган билимларни шакиллаштириш, шунингдек маҳаллий ижтимоий-экологик муаммоларни хал қилишга кўмаклашиш;

- Табиатга тежамкорлик билан қараш ва ижтимоий-экологик муаммоларни хал қилишда мусобоқо хиссига асосланган фаол фуқоролик позициясига эга бўлишни тарбиялаш, шунингдек атроф мұхитта маъсултатлий билан қараш маддиятини шакиллаштириш.

- Экологик муаммоларни таҳлил қила олиш ва инсоннинг табиатдаги фаолияти оқибатларини башорат қила олиш, экологик ахамиятли қарорларни мустақил ва биргалиқда қабул қилиш ва амалга оширишни ўрганиш.

## **2. Экологик таълимнинг асосий принциплари.**

Экологик таълимни асосий принципларни қўйдагилардан иборат бўлмоғи керак:

**Эклогизацияланиш принципи.** Инсониятнинг XXI асирга кириб қелиши билан таълимни экологиялашуви ижтимоий ривожланишининг мухим стратегик принципига айланди. Ушбу принцип ҳар бир объектни ўзаъро боғлиқлик ва ўзаъро таъсир нуктаи назаридан қарайди.

Экологик таълим мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб мазмун, усуллар, хозирги замон экологик муаммоларини хал қилишнинг ғоялари ва барқарор тараққиёт тушунчаларидир. Бу ўқув предметининг тузилишини органик жараёни, нафақат фан, балки мадданий –тарихий ўлчамларда. Бундай жараён фанлар ўртасидаги ва фанлар ичидағи мазмунларни ўқитишни ишлаб чиқишига қаратилгандир.

**Культурологик принцип.** Бу принцип қадриятлар тизими сифатида инсоннинг мадданият билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Хозирги замон экологияси ижтимоий- мадданий фондан ажralган холда бўлиши мумкин эмас, чунки экология унинг бағрида ривожланмоқда. Шунинг учун хам кейинги вақтда таълимни мадданият хосил қилувчи мазмунни биринчи ўринга чиқмоқда, шунга асосан билимларни танлаганда келажак авлодни умумий маддиятини шакиллантиришнинг ахамиятига қараш, табиатга, жамиятга ва ўзига нисбатан гармоник муносабатта бўлишни шакиллантириш, хамда жамият олдида маъсул эканлигини англашетиши.

**Узлуксизлик ва кетмакетлик принципи.** Бу принцип шуни англатадики, экологик таълим узлуксиз таълим тизимининг барча бўлимлари ичига кириб бориши керак. Ҳаётни биологик ташкил қилинишининг тузилиши (формаси) иерархик ўзаъро бўйсинувчи ва ўзаъро боғлиқ бўлган, кетма-кетлик билан киритилган биологик тизимлардир: организмлар популяциялар таркибиға қўшилишади, популяция ва турлар эса экотизимларга, экотизимлар –биосферага. Асосий тирик тизимларни ўзаъро

таъсирини билиш, Ерда ҳаёт кўринишини ягона бирлигини ҳар тамонлама тушиниб етишга олиб келади. Ҳозирги замон экология курсини тизимли –ягона тартибга солиш, унинг ички кетма-кетлигини ва ўқув материаллариниг барча босқичларида мантиқий давомлийлигини таъминлайди.

**Интегративлик принципи** экологик таълимнинг устивор принципларидан бўлиб, экологиянинг предметлараъро фанга айланишини кўзда тутади. Унинг ўрни фалсафада, иқисодиётда, психологияда, бошқа ижтимоий ва табиий фанларда кенг қўлланилади. Экологик муаммоларига комплексли қарашлар уни **тирик табиат хақидаги фанлар доирасидан ташқарига чиқаради**. Шунга қарамасдан, қўпчилик авторлар хозиргача экологияни фақат табиатни муҳофаза қилишнинг илмий биологик асоси деб қарайдилир, хатто айрим техник ўқув юртларида ижтимоий экология фани ўрнига биоэкология киритилган.

Бунинг сабаби шундан иборатки, яқин вақтгача экология асосан (айрим тарихий сабабларга кўра) биология ва география фанлари доирасида ривожланган, чунки уларнинг тадқиқот обьекти табиий тизимларнинг ўзаъро боғлиқлиги бўлган. Бундай тушунчалар ҳозирги замон жамиятиниг барча ихтиёжларини таъминлай олмайди, шунинг учун хам ўқув предметларини бир биридан узоқлгини бартараф этиш ва экологик реаллик хақида аниқ-ойдин тушунчалар - предметлараъро қарашлар керак бўлади.

**Глобал, минтақавий (регионал) ва маҳаллий (локал) даражадаги экологик муаммоларни ўзаъро боғлиқлиги принципи.** Ушбу принципни амалга ошириш экологик муаммоларни ва жараёнларни янада кенгироқ тушунишга ёрдам беради, шунингдек бундай тушинишини маҳаллий шароитларга ва турли хил регионларда табиатни муҳофаза қилиш ишларига экстраполяция қилишга йўл очади.

Мактабгача ёшдаги болаларни ва мактаб болаларини билимлари формал холатда бўлмаслиги мумкин, агар улар глобал экологик муаммоларни аниқлаштириб олса, шунингдек аниқ ходисаларни миллий ва глобал экологик муаммолар даражасигача умумлаштириб фикирлай олса.

**Билишни, қайғуришни, ҳаракатни бирлиги принципи.** Экологик дунёқарашнинг шакилланиш интеллектни, хиссиётни ва фаолликни органик (чуқур ўзаъро боғлиқлик) бирлигини тқозо этади. Ҳозирги замон жамиятига нафақат экологик билимлар тизимини эгаллаган, балки табиат мҳофазаси бўйича амалий қўнималар, инсоннинг хўжалик фаолиятини салбий оқибларини экологик башорат қилаолишга қодир фуқоролар керакдир.

Бундан ташқари ёшлар атроф мұхитга нисбатан даҳилдорлик ва маъсулият хиссиётига эга бўлмоғ керак бўлади. Ҳар бир шахс учун мұхим компонент, қадриятли-идрокли комплексга эга бўлишdir, чунки ҳал бўлмаган барча экологик муаммолар тагида экологик қарашларга эга бўлган дунёқараш ётади. Шунинг учун хам ҳозирги замон экологик тарбия экологик қарашларга эга бўлган дунёқараш шакилланиши билан узвий боғлиқликда бўлмоғи керак.

**Ижодий, аналитик, танқидий фикирлаш ривожланиши принципи.** Бу принципнинг мухимлиги хозирги замон жамиятининг инсон фаолиятининг экологик оқибатларини анализ ва прогноз қилиш қобилятини тарбиялаш ихтиёжларидан келиб чиқади. Ёш авлодни дунёқарашини ривожланиши инсониятнинг экологик муаммоларни хал қилишида ва унга бархам беришидаги имкониятларини кенгайишида мухим рол ўйнайди.

**Амалий билимлар ва кўникмаларга йўналтирилганлик принципи.** Ушбу принципнинг мухимлиги мактабгача ёшдаги болаларни ва таълим муассасалрни ўқувчиларини табиатни мухофаза қилиш фаолиятдаги амалий кўникмаларини шакиллантиришга қаратилган.

Ушбу принципга асосан узлуксиз экологик таълимни асосида экспериментал тадқиқотлар, экологик жараёнларни моделлаштириш, шунингдек атроф мухитни мухофаза қилиш ва қайта тиклаш каби тадбирлар ётади, булар дарснинг оғзаки усусларига қўшимча бўлмоғи керак. Экологик хулқ-автор ва фаолият шахснинг хис-туйғи –эмоционал соҳаси билан узвий боғлиқдир ва уни амалий дарслар билан мустахкамлаш керак бўлади.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар табиат обьектларини аниқлай олиши, уларнинг ўзаъро боғлиқлигини англаб етиши ва ўлчамларини якунларидан хуоса чиқариши, шунингдек инсоннинг фаолиятини ўрганиш ва баҳо бериши керак бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу принципнинг уқув жараёнидаги аҳамияти бебаҳодир.

**Интерактивлик принципи.** Ушбу принцип ўз-ўзини ташкил қилувчи, шахсий маъсулиятни ва мустақил фикирлашни ўргатувчи, ижодий ҳаракатлари орқали шахснинг маънавий потенциалини очиб берувчи, кенг кўламли узлуксиз экологик таълимни, интерактив технологияларни ва эркин коммуникацияларни, хамкорликда ишлаш каби ўқув турларини назарда тутади.

Интерактив усул экотаълим олдига қўйган вазифаларни шундай ҳарактерлаш мумкин: фаол хамкорликда мухокама қилиш, тадбиркорлик ўйинларида қатнашиш, тажриба орттириш ва уни таҳлил қилиш аниқ ҳаракатлар орқали у ёки бу экологик муаммоларни хал қилиш йўлларини топиш, турли хил сценарийлар тузиш, экологик қонунлр лоихаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалдаги қонунларга солиштириш орқали янги таклифлар киритиши.

Бундан ташқари интерактив ўқитиши инсонга комплекс таъсир кўрсатади, ва у нафақат билади, балки амалда бажара олади, экологик фаолият билан шуғулланишга интилиши ошади.

### **3.Экологик тарбия.**

Экологик тарбиянинг асосий маъноси, аввалам бор унинг вазифалари билан аниқланади ва ёшлар онгидаги куйдагиларни яратишни тақозо этади:

- табиат билан яқин бўлиш эҳтиёжини вужудга келтириш, унинг қонунларини ва ходисаларини билишга қизиқиши;
- табиат қадрияларини универсаллигини англашга қаратилган

## **мотивацион йўналишларни яратиш;**

- табиатни сақлашга қаратилган онгни сингдириш, шунингдек ўзини ва жамият саломатлигини сақлашга қаратилган ҳаракатлар;

- атроф мухитни муҳофазасига қаратилган амалий ишларни амалга оширишда қатнашиш ихтиёжларини вужудга келтириш, экологик билимлар тарғиботини ташкил қилиш.

- Экологик таълим табиат хақидаги билимларни ўзлаштиришга чақиради, шунингдек жамият ва табиат ўртасидаги ўзаъро таъсирни, хамда табиатни сақлаш бўйича билимлар ва кўнікмаларга эга бўлиш;

Экологик таълим жараёни доимо ёшлар ўртасида у ёки бу билимларнинг ва тарбиянинг атроф мухитга нисбатан маъсулиятни вужудга келтиришга йўналтирилган. **Экологик тарбия педагогик жараён сифатида нафақат экологик билимларги қаратилган, балки унинг хиссиёт – эмоционал соҳасига, унинг руҳий таёргарлигига, экологик қадиряtlар трбиясига хам қаратилган.**

Экологик тарбия умумий тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, унинг маъноси кўрилганда тарбия назариясининг умумий қарашлари ишлатилиши мумкин.

Хозирги вақтда экологик таълимни асосий маъносини нафақат атроф мухитни муҳофаза қилиш тизимини таркибий қисми деб қараш, балки цивилизациянинг келажак босқичларидағи ривожидаги вазифаларни хал қилувчи шахсни камол топишидаги мухим компонент ҳисобланади. Шунинг учун хам экологик таълим жамият ахамиятига эгадир.

Экологик таълим маъносини қўйдаги категориялар орқали аниқлаш мумкин: дунёқараш, қадриятлар, барча тизимни асосий компонентини ташкил қилувчи- хулқ-автор. Ҳар бир бўлум кетма-кет жойлашган бўлиб маълум функцияни бажаради, амммо уларнинг барчаси экологик тарбияни ташкил қилиш жараёнида ўзаъро таъсирини кўрсатади. Экологик тарбиянинг натижасида табиий-илмий ва гуманитар блиmlарга асосланган, шахснинг инсон ва табиат бирлигини тушунган холда чуқур ишончини намоён қилувчи экологик дунёқараш вужудга келмоғи керак. Айрим авторлар, шу жумладан И.В. Цветкованинг фикирларича экологик таълим натижасида табиат ва жамиятнинг ягоналиги хақидаги шакилланиб келаётган онг ижтимоий тартибни пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

Экологик дунё қарашнинг шакилланиши педагогиканинг мураккаб вазифаларидан ҳисобланади. У қадриятлар тизими билан ифодаланади, шунингдек табиатга, инсонга ва жамиятга бўлган муносабатлар хулқ автор билан белгиланади. Муносабат экологик таълимнинг элементи сифатида ёшларга табиӣ ва ижтимоий мухитига нисбатан берилган психологик топшириклар билан ҳарактерланади ва шахсий, хамда ижтимоий манбаатлари гармонияси орқали намоён бўлади.

Планетмизни ўраб олган кучли экологик инқироз, инсон ва табиат муносабатларига катта ўзгартиришлар киритди, дунё цивилизациясининг барча ютуқларини қайта англашга мажбур қилди. XX асирнинг олтмишинчи йилларига келиб инсоният олдида саноатни шиддат билан ривожланиши

натижасида биринчи бор бутун тирик дунёни қирилиб кетиши хавфи турган вақтда янги фан- экология шакиллана бошлади ва бунинг натижасида экологик мданият вужудга келди.

Глобал экологик инқироз пайдо бўлиши билан шуни аниқлаш керакки, бундай шароитда инсон билан табиат ўртасида қандай муносабатларни гармоник деб айтиш мумкин, инсоннинг хўжалик фаолияти атроф мухитга қандай таъсир қўрсатади, ва нима учун экологик мданият ва экологик тарбия айниқса бугунги кунда шу даражада мухим ҳисобланади.

Яна шунга эътибор бериш керакки қандай қилиб экологик тарбия дунёдаги холат билан таққосланади, глобал экологик инқироз билан қандай корелляцион муносабатларда бўлади. Бунинг натижасида шуни кўрсатиш керакки **экологик мданиятнинг даражаси дунёдаги экологик холат билан тўғри пропорционалдир ва экологик тарбияга бевосита боғлиқдир.**

Инсоннинг бу дунёда яшаб қолиши экологик тарбияни даражаси ва экологик мданиятга боғлиқдир, инсоният бизнинг планетамизда қола оладими, ёки уни ўлим ёки мутацияга олиб келувчи деградация кутмоқдами. Инсониятни сақлаб қолиш хақийқатдан хам бугинги кунда “экологик мданият” деб аталувчи предмет миссиясига юкланди, ушбу предмет инсониятни ўлиб бориши ва халокатга учрашишига қарши кураш механизмларини ишлаб чиқиш мумкинлиги мухим ахамият касб этади. Шунинг учун хам экологик инқирозга катта эътибор билан қараш, ва унга таълим орқали қарши ҳаракат қилиш ва шу асосда цивилизациянинг ютуқларини, хамда бор қонунчиликни қайта қўриб чиқиш керак бўлади.

**Экологик маъсулят** тўғридан-тўғри экологик тарбияга боғлиқдир, шунингдек шахснинг ўз-ўзини назорат қилиш сифати билан, яқин ва ўз ҳаракатларини натижасини табиатга таъсирини оқибатларини олдиндан кўра билиш, ўзига ва бошқаларга танқидий назарда қараш ва бошқалар. Айрим мамлакатларда Экологик таълим ва тарбия масалалари бўйича Концепциялар қабул қилинган. Масалан Россия федерациясининг бир қатор вазирликлари томонидан Экологик таълим бўйича миллий дастур қабул қилинган, унда БМТ, ЮНЕСКО томонидан ишлаб чиқилган экологик таълим соҳасидаги сиёсатнинг умумий принцплари кўрсатилган. Бор бўлган муаммолар ичida ёшлар ўртасида асосий ўрин экологик таълимни ҳар тамонлаа кенгайтириш ва чукурлаштириш масалаларига кенг ўрин берилган.

Экологик таълимни асосий принцпларидан бири таълимни узлуксизлиги ва ўқитиш жараёнини ўзаро боғлиқлигидир. Хозирги замон экологик холатда билимнинг барча соҳаларини экологиялашуви мухим ахамиятга эга. Экологик тарбия жараённада ишлаб чиқилган муносабатларни кўриниш ҳарактери, вазифини гармоник боғлиқлиги ва табиат муҳофазасини ўрганиш вазифаларини хал қилишдаги ишончдир.

**Қадриятлар.** Экологик тарбиянинг бу элементини мақсади қадриятлар йўналишини яратиш, маънавий, ижтимоий, уларни шахсий ҳарактерга эга бўлиши, қаттиқ ишонч ҳарактерида, қабул қилинган принцплар ва

тартибларга албатта риоя қилиниши.

Хулқ – экологик тарбияда умумлаштирувчи элемент ҳисоблнади. У қачон экологик билимдон ҳисобланиши мумкин, агар қадриятлар йўналишига мос тушса, тегишли қадриятларга қаратилган бўлса ва табиатга бўлган муносабатлари билан ажралиб турса. Ёшларни хулқи, уларни хатти-ҳаракатлари орқали экологик тарбияни самарадорлиги хақида гапириш мумкин. (Б. Муртазалиева «Вести республики» №113, 9 августа 2007 г ).

Шундай қилиб экологик тарбия шахсга қартилган асосда амалга оширилади ва экологик маданиятнинг, қадриятлрни, табиатга ва инсонга нисбатан онгли маъсулиятни умумий мақсадлари учун барча элементларини ўзаъро таъсирига йўналтирилади.

**Ижтимоий-экологик тарбия.** Экологик онг ва маданият инсоннинг биологик яшаб қолиш асосини йўқ қилиб юборувчи глобал экологик инқироз ва глобал экологик оғатдан холи қилишнинг мухим шарти ҳисобланади. Экоонг ва экомаданиятни пайдо бўлиши “жамият ва табиат” тизимида вужудга келаётган хозирги замон дъеватларига бўлган ўзига хос жавоб ҳсобланиб, унинг бутун олдиндан бўлиб келаётган хўжалик фаолиятини натижасидир.

Аммо унинг узоқ, эволюцион даврлар доирасида жамиятга айланиб шакилланишига ишониб бўлмайди. Юксалиб бораётган ишлаб чиқариш кучларининг кенг кўлами натижасида XX асирнинг иккинчи ярмида табиий муҳитдаги негатив ўзгаришлар янада тезлашди, демак жавоб хам шунга мос холда бўлмоғи керак, бу эса нафақат мазмун жихатдан, балки вақт жихатдан хам. Планетамизни сақлаб қолиш экологик онг ва экологик маданиятнинг шакилланиши сифати ва тезлигига боғлиқ бўлиб, экологик тарбия жараённида амалга оширилади. Экологик тарбия – шахсга мақсадли таъсирини

унинг бутун хаёт босқичлари давомида кенг кўламли тизимлар воситалари ва усуллари ёрдамида олиб борилиши демакдир, бу эса экологик онгни, экологик маданиятни, экологик тафаккурни ва экологик маъсулиятни мақсадидир.

Жамият аъзоларида табиатга нисбатан маълум бир тафаккурни, муносабатни тарбиялаш кераклиги инсоният тарихий тараққиёти жараённинг илк давридаёқ пайдо бўлган. Масалан ибтидоий ҳалқларнинг табу тизимини эслаш мумкин, улар хайвонларнинг айрим турларига уларнинг кўпайиш даврида овчиликни тақиқлаб қўйган эдилар, шу орқали турлар кўплигини сақлаб табиий муҳитни яратилишига ёрдам берганлар.

Кейинроқ эса жамият аъзоларини шакилланиши муаммаси фаннинг қизиқиши обьектига айланганда “натуралистик” концепциялар яратила бошланди (Я-А Коменский, Же-Ж Руссо. М.Ушинский) ёки “табиат билан ҳамоҳанг” тарбия (Ш Фурье).

Буюк немис гуманисти И. В. Гёте айтган эди: “хурофотдан хам кўрқинчли нарса йўқ, барча нарсаларни олдинидан кўра билмасликни, уларни келтириб чиқарувчи омилларни, шу жумладан инсоннинг табиий жараёнларга таъсирини негатив оқибатларини тушуниб етмаслик, керакли билимларни йўқлиги, уларни реал холатга тўғри келмаслигини англаб

етмаслик ва шунинг учун ҳам экологик инқирозни келиб чиқишини кимнидир амрига боғлиқ деб ўйлашга олиб келади”

Экологик тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири табиатдан фойдаланувчиларда, ҳар бир фуқорода ва умуман жамиятда табиатдан оқилона фойдаланиш бўйича қатиян позицияни шакиллаштиришdir, ҳар бир муаммони хал қилиш йўлларини қўра билиш, хозирги ва келажак авлодлар олдида ўзиннинг фаолияти таъсирига маъсулият билан қарашиб, табиатни яшаш муҳити эканлигини тушиниб етиш ва бошқалар.

Экологик тарбия – узлуксиз жараён бўлиб, ўз ичига ўқиш, тарбия, ўзини ўқитиш, тажриба орттириш ва қадриятларга қаратилган, тарбия нормалари, табиатни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишга, маҳсус билимларга, шахсни ривожланиши ва уни экологик саводли бўлишига йўналтирилган ҳар тамонлама воситаларни қамраб олади.

Экологик тариянинг ўзига хослигини тушинишнинг муҳим тамони шундан иборатки, у фақат у, ёки, бу ҳаракатларга нисбатан тусиқлар тизимидан иборат бўлмаслиги керак. Табиатни севмоқ ва муҳофаза қилмоқ каби чақриқлардан ташқари, табиатдан фойдаланишнинг билим, юқори профессионолизм ва тажрибага асосланган ҳар тамонлама тизимини амалга ошириш керак бўлади.

Экологик тарбиянинг узокроқ кўриб чиқилганда, нисбатан олганда услублари ва мақсадлари бўйича уч мустаққил ташкил қилувчи йўналишларини кўриш мумкин:

- Экологик тарғибот йўналиши;
- Экологик таълим йўналиши;
- Экологик тарбия йўналиши.

Улар кенг маънода узлуксиз экологик тарбия жараённинг маълум босқичи ҳисобланади.

**Экологик тарғибот йўналиши** экологик тарбиянинг биринчи даражаси ҳисобланади. У инсон билан табиат ўртасидаги муносабатлар хақидаги илк билимларни шакиллантиришга, атроф муҳитни инсон яшashi учун мос эканлигига, инсоннинг хўжалик фаолиятини атроф табиий муҳитга таъсири хақидаги билимларга қаратилган.

Экологик тарғибот дунёқарашибни асосини ва майиший даражадаги экологик онгни шакиллантиришга қаратилган. Аммо бу даражада тўлиқ бўлмаган, нотизимли ҳарактерда бўлга, мантиқий келишилмаган ва хатто қарамақарши бўлган ҳарактердаги жамият ва табиат ўртасидаги муносабатлар хақидаги билимларни ташкил қиласди. Лекин бундай билимларсиз экологик маданиятни шакиллантиришга киришиб бўлмайди.

1977 йилда Тбилиси шаҳрида бўлиб ўтган табиатни муҳофаза қилиш таълими муаммоларига бағишлиланган Бутунжоҳон хукуматларо ўро конференциясида Экологик таълимнинг асосий принциплари кўриб чиқилди:

1) Табиатни муҳофаза қилишнинг иқтисодий, санитария-соғломлаштириш, гуманистик, эстетик ва ватанпарварлик мотивларидан кенг фойдаланиш;

2) Аҳолининг барча ёшдаги қатламлари ва ижтимоий гурухларини, хамда ҳар бир шахсни бутун ҳаёти давомида табиатни муҳофаза қилишга қаратилган таълим –тарбия ишларини олиб бориш;

3) Экологик тарғиботни табатни муҳофазасига қаратилган миңтақадаги, аҳоли пунктларидағи, корхона ва ташкилотлардаги аниқ тадбирлар билан тұлдириш;

4) Табиатни муҳофаза қилиш ишлари аҳолини бевосита иштирокисиз бўлиши мумкин эмас эканлигини инобатга олган холда, ҳар бир фуқорони экологик фаоллигини оширишни рағбатлантириш;

**Экологик таълим йўналиши.** Экологик маданиятни шакиллаштиришнинг кейинги даражаси экологик таълимдир – у табиатни муҳофаза қилиш сиёсатини бир элементи ва уни амалга оширишни муҳим омилидир, бу эса ижтимоий онг, ички ва ташқи экологик сиёсатга таъсир қилиш инструменти бўлиб хизмат қиласи.

Экологик таълим –бу инсонга таъсир қилишнинг психологияк ва педагогик жараёни унинг мақсади, экологик онгни назарий даражасини шакиллантириш, бу эса тизимлашган холатда дунёни ягоналиги жамият ва табиат ўртасидаги диалектик бирлик, хамда табиатдан оқилона фойдаланишнинг маълум билимлари ва амалий қўнималаридир.

О. А. Васютанинг фикрича бу тизим объект (аҳоли) онгига ва тафаккурига мақсадли, доимий таъсир орқали ижтимоий ахамиятли, онгли эҳтиёжларни шакиллантириш ва табиатга нисбатан дунё даражасида қабул қилингандар нормалар ва экологик дунёқараш принципларига асосланган кучли тафаккурни яратади. Экологик тълим экологик хуқуқни муҳим йўналиши сифатида узок ва узлуксиз ҳарактерга эга бўлмоғи керак, инсоннинг бутун ҳаёт фаолияти давомида кузатиб бормоғи керак, шу жумладан мактабгача таълим, умумий таълим ва касбий таълим.

Экологик таълимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, у “илгарилаб кетувчи қўрсаткич” принципига асосланган бўлмоғи керак. Инсоннинг онгига доимо бўлши мумкин бўлган тушунчаларга доимий баҳо бериш, нафақат ҳозирги, балки келажақдаги аҳоли фаровонлиги, хамда “инсон ва табиат” ўртасидаги муносабатлар тизимидағи гармонияни сақланиб боришига интилмоғи керак.

Экологик таълимни мақсади инсонни табиий, техник ва ижтимоий фанлар ютуқлари билан қуроллантириш, хамда инсон билан табиат ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ўзига хослигини, аниқ ҳаракат ва холатларни тушиниб етиш каби муҳим йўналишлар ҳисобланади.

Бундай жараёнларнинг энг олий босқичи тарбия-психологик ва педагогик жараёндир, унинг мақсади индивидда нафақат илмий билимлар, балки маълум даражадаги ишончни, уларнинг ҳаётий позициясини ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қарашларини қўрсатиб беради. Экологик тарбия жараёнида маълум экологик қадриятлар тизими шакилланади, булар инсоннинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган ҳаракатлар кўрсатилади ва глобал экологик инқирозни камайтиришга даъват қиласи.

Улар биринчидан нафақат билим беришни назарда тутади, балки

ишончни, шахсни аниқ ҳаракатларга тайёр эканлигига кўрсатади;

Иккинчидан, ўз ичига билим ва шу орқали атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишга қаратилган. Экологик тарбиянинг “жамият- табиат” тизимиға комплекс дунё қарааш йўлларини ишлаб чиқишида ўзига хослиги шундан иборатки, унинг функциясида шахснинг бевосита ва билвоста иштироки, ҳамда ҳаракатисиз натижа бўлиши мумкин эмас. Экологик тарбиянинг комплекс ҳарактерини ўзига хослигини экологик онгни кўриниши, ҳам жамият, ҳам шахс даражасидаги функцияланишида намоён бўлади.

Таниқли югославиялик социолог Васютанинг фикрича атроф мухитни муҳофазаси ва яхшилашига қаратилган экологик тарбияни бешта фазага ажратиш мумкин:

биринчи- дунё моддий ва ўзича мураккаб боғлиқликлар тизими ва ўзаъро муносабатлардан ташкил топган, демак уларни элементларини ўзgartириш ўзаъро боғлиқликдадир;

иккинчи- табиатни сақлаш моддий дунёда бор бўлган қонунлар муносабатини ва ўзаъро таъсирни (ҳаракатни) ишлатиш демакдир;

учинчи- инсон ва табиат – тирик табиат эволюциясининг маҳсулдир, шунинг учун ҳам улар табиатдан ажralмасдир (жамият ва табиат бўлинмас ва қарамақаршиликлар бутунлигидан ташкил топган);

тўртинчи- биосферадаги ўзаришлар инсон ва жамият учун заарлидир, улар илмий –техника траққиёти эмас, балки жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни муофиқлаштиришдаги тадбирларни етишмслигидадир;

бешинчи- табиатни жамият ривожланиш тезлигига таъсири борлиги, аммо тбиатни ижтимоий муносабатлар ҳарактерига таъсрини йўқлиги.

**Экологик тарбиянинг асосий тамойили дунёнинг моддий бирлиги тамойилидир, бу эса ижтимоий-экологик тарбия муаммосининг илмий дунё қарааш тизиминиг узвий қисмига айлантиради.**

Шулар қаторида экологик тарбиянинг комплекслийлиги, узвийлигини, ватанпарварлик, шахсий ва ижтимоий манфаатларни бирлиги ҳам деб айтиш мумкин.

Экологик тарбия тизимида шундай йўналишларни кўрсатиш мумкин:

**Сиёсий.** Унинг мухим методологик тамойили шундан иборатки, экологиянинг асосий қонунидан келиб чиқувчи жмиятда инсонлар ўртасидаги устивор бўлган муносабатлар ва табиатга бўлган ундаги устивор муносабатларни бир-бирига мослигидир

**Табиий-илмий.** Унинг асосини жамият ва табиатнинг ажralмас бирлигини илмий нуқтаий назардан тушиниб етиш ётади. Жамият ўзининг келиб чиқиши билан ҳам, борлиги блан ҳам, табиат билан узилмас даражада боғланган. Ижтимоий тамондан жамият табиат билан ишлаб чиқариш

орқали боғланган, чунки у бўлмаса яшаб қолаолмайди. Табиат инсоннинг моддий ва маънавий ихтиёжларини қондириш учун потенциал шароитлар яратади. Бундай эхтиёжлар фақат мақсадли фаолият орқали амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида инсон ўзининг шахсий модда ва энергия

оқимларини яратади, булар эса табиатда бор бўлган, миллиард йиллардан буён давом этиб келаётган тартибга солинган энергетик ва модда алмашинуви циклини бузилишига (дезорганизацияга) олиб келди. Шунинг учун хам биосферанинг сифат параметрларини қайта тикланиш механизамлари таъсири бузулиб кетади, инсоннинг биологик мавжудод сифатида яшаб қолиш объектив шарт-шароитига птур етади.

Бундай ўзгаришлар табатнинг ривожланиш қонуниятларини билиш даражаси чегараланганидан, инсоннинг хўжалик фаолиятини олиб келиши мумкин бўлган натижаларини тушиниб етмасликдан келиб чиқади.

Атроф табиий муҳитда энергетик ва модда алмашув жараёни қонуниятларини ўрганиш ва у билан ишлаб чиқариш жаоёнларини муофиқлаштириш глобал экологик инқирозни олдини олишнинг муҳим омили ҳисобланади. Инсон функцияланишнинг, ўз-ўзини бошқаришни ва ўз-ўзини қайта тиклашни мураккаб механизмларини йўқотиб юбормаслиги керак, балки объектив қонуниятларни ҳисобга олган холда мақсадли равища уни ўз манфаатларига қаратади.

**Хуқуқий.** Экологик блимлар секин аста ишонч ва ҳаракатга айланади, булар эса индивиднинг фаол қатнашишини экологик қонунчилик билан боғлаб олиб борилиши ва бундай ҳаракатларда жамият манфаатлари илгари сурилмоғи керак бўлади. Давлат тартибга солишнинг бош механизми ва индивид ва жамиятнинг умумий манфаатларини муофиқлаштириувчи орган сифатида нафақат экологик қонунчиликни яратиши, балки қонунларни ижросини индивидни, ёки уларни гурухларини императив усллар (мажбур қилиш) орқали амалга ошириш кўзда тутилади. Ушбу йўналиш экологик маъсулият билан узвий боғланган ва нафақат хуқуқий, балки ахлоқий.

**Ахлоқий эстетик.** Ҳозирги замон экологик холат инсониятдан табиатга нисбатан янги ахлоқий қарашларни талаб қиласи, инсоннинг атроф муҳитга бўлган айрим фъел-атворларини ўзгариши кераклигини тақозо этади. Индустрисал ривожланиш даражасида турган жамиятда ахлоқ табиатдан фойдланувчиларни, ўз фаолиятини экологик оқибатларини ўйламасдан табиий ресрсларни вахшийларча эксплуатация қилинишига олиб келади.

Индустрисал ривожланиш босқичига ўтилганда, ишлаб чиқариш кучларида сифат жиҳатдан сакраш юз беради, экологик императив шакилланади, ва улар табиатни ўзлаштириш йўлларининг ахлоқ нормалрини тартибга солишнинг аниқ ва кечикириб бўлмайдиган талабларига айланмоғи керак.

Экологик тарбиянинг ахлоқий эстетик йўналишида табиатга муносабат муамолари хам қўриб чиқилади ва унга мутлоқ (абсолют) гўзаллик холатда қаралади ва уни муҳофаза қилиш ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи вазифадир.

**Дунёқарааш.** Дунёқарааш асосларини кераклича яратмасдан туриб, экологик тарбия самарали бўлиши мумкин эмас. Бунинг учун индивид экологик инқироз хавфини йўқотиши учун фаол қатнашмоғи керак, чунки бундай дунёқарааш унинг ички ихтиёжларига айланмоғи керак, дунёнинг мазмуни, маъноси, табиат ва инсон, инсоннинг мақсадлари ва билиш

чегаралари, атроф табиий дунёнинг ўзгариши, инсоннинг борлигини маъноси хақидаги саволларга илмий асосланган жавоб бермоғи керак бўлади.

Бу йўналишда экологик қадриятлар тизими, хамда индивид ва жамиятни устивор қарашлари шакилланади. **Экологик тарбиянинг бош мақсади экологик маданиятнинг шакилланишидир, у эса экологик императивни, экологик қадриятлар тизимини ва экологик маъсулиятни ўз ичига олади.**

Экологик императив – бу жамият ва табиат ўртасидаги ўзаъро муносабатлар натижсида вужудга келадиган ва келаётган инкрозларга бўлган қаътиян таъсир, хукум, тезкорлик билан хал қилинишига қаратилган маъмури қарашлардир.

**Ижтимоий-экологик қадриятлар** жамият ва табиатнинг ривожланиш жараёнида ахамиятлидир, шу жумладан инсоний ва маданий қарашлар билан хам. Улар экологик, ижтимоий ва сиёсий қадриятларни синтези натижасидир ва экологик тарбиянинг самарадорлигини ва асосини юқсалтирувчи муҳим омилдир.

Экологик тарбиянинг юқори самарадорлиги, унинг узлуксизлигини, ҳар тамонлама қарашларини, бу жараён билан жамиятнинг барча аъзоларини бутун ҳаёти давомида қамраб олишни таъминлашдадир.

Самарадорликни ошириш экологик тарбия воситаларидан унимли фойдаланишни талаб қиласди. Уларга биринчи ўринда қуидагиларни киритиш мумкин:

- **оила**, бу ерда индивиднинг бирламчи таёргарлиги бўлиб ўтади, шахснинг асосий қирралари шакилланади, дунёни қабул қилиш типи ва дунё хақида тушинчанинг илк кўринишлари пайдо бўлади;

- **оммавий ахборот воситалари**, улар жамиятнинг оммавий онгига таъсир кўрсатади, долизарб экологик информациялар беради, бўлаётган ходисаларга ва қабул қилинган қарорларга бирламчи интерпретация беради ва шулар орқали ижтимоий фикир уйғотади;

- номутахассислаштирилган таълим**, бундай таълимнинг барча босқичлари – болалар боғчасидан бошлаб, олий ўқув юртларигача, уларда ўқиладиган барча предметларда атроф муҳит мавзулари бўлмоғи керак, ижтимоий-экологик тамондан муҳим бўлган, табиий, техник, ва ижтимоий фанларнинг асоси шакилланмоғи керак.

- маҳсуслаштирилган таълим**, бундай таълим мутахассис кадрлар таёrlашга қаратилган бўлиб, улар малакали даражада “жамият ва табиат” ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммоларни оптималлаштириш ва гармонизациялаштириш билан боғлиқ масалалар билан шуғулланадилар.

- экологик қонунчилик тизими**, табиатдан фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, фуқороларнинг экологик хуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишга қаратилган қонунлар ва бошқа норматив хужжатларни чукур таҳлил қилиш ва ижро этиш масалаларини илгари суради, экологик хуқуқий онг ва тафаккурни шакилланишига ёрдам беради;

- давлатни жинойи –кузатувчи тизими**, бундай тизимнинг мазмуни

экологик хуқуқнинг императив, диспозитив ва тушинитириш йўли билан амалга ошириладиган усулларидан фойдаланилган холда фуқороларни атроф мухитга бўлган муносабатларини тартибга солиш ва улар бузилган холда тегишли қонунларга асосан давлат тамонидан баҳо берилиши ўз ичига олади.

Экологик таълимнинг таъсиричанглиги миллий қадирятлардан фойдаланилганда бир неча баробар юқори бўлади, айниқса отабоболаримиздан қолган, табиатни сақлаш билан боғлиқ бўлган кўплаб урфодатларни эслашимиз мумкин. Табиат ва инсон, поклик ва саломатлик мсалалари ислом маданиятида, ислом фалсафасида кенг ёритилган.

Шуни айтиш керакки экологик таълим ЮНЕСКОнинг "Инсон ва биосфера" (МАБ), дастурининг муҳим элементларидан бирига айланди. Бундай дастур доирасида кўп йиллар давомида Ўзбекистонда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди, экологик тарбиянинг таъсиричанглиги унинг барча йўналишларини, элементларини ва воситаларини, ҳар тамонламалигини, узлуксизлигини ва жамиятнинг барча табақаларини камраб олишидадир.

## **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий**

70. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси. Тошкент. 2019.

71. Креативная педагогика. Методология, теория, практика. / под. ред. Попова В.В., Круглова Ю.Г.-3-е изд.–М.: “БИНОМ. Лаборатория знаний”, 2012.–319 с.

72. Информационные технологии в педагогическом образовании / Киселев Г.М., Бочкова Р.В. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Дашков и К, 2018. - 304 с.

73. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.

74. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2018 й. 416 с.

75. Шадиметов Ю.Ш. Актуальные вопросы экологического образования и воспитания. Монография. 2018 г. 268 С.

76. Национальный доклад «О состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов Республики Узбекистан».-Т.: “Chinor ENK”, 2012.

### **Қўшимча**

5. А.Э.Эргашев. Ҳозирги замоннинг экологик муаммолари ва табиат муҳофазаси. Тошкент 2012 й. 403 б.

6. Martin Kranert, Klaus Cord-Landwehr (Hrsg.) Einführung in die Abfallwirtschaft. 4., vollständig aktualisierte und erweiterte Auflage Mit 297 Abbildungen und 131 Tabellen. Germany, 2010.

7. Пачаури Р.К., Мейер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гурӯҳининг умумлаштирилган маъruzаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

### **Интернет сайтлар**

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).

6. Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

7. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)

8. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **1-Мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик қилиш.**

Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамияти. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида ёритиб бериш.(2- соат)

**Ишдан мақсад:** Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асосларини ўрганиш. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилишини таҳлил қилиш. Биологик ривожланиш тарихини ўрганиш ва бу масалани атрофлича муҳокама этиш. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамиятини мисоллар билан изохлаш. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида фойдаланишни намоён қилиш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши лозим.

**1–вазифа.** Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асосларини қисқача тезисини таёrlанг. Шулар асосида хулоча таёrlанг.

**2–вазифа.** Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилишини умумлаштиринг ва ўз фикрингизни баён қилинг.

**3–вазифа.** Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамиятини мисоллар билан изохлаш. Экотизимлар турларига мисоллар келтиринг.

**4–вазифа.** Атроф муҳитни муҳофazaga қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълим жараёнида фойдаланишга бағишланган қисқача маъруза таёrlанг.

### **2-амалий машғулот:**

#### **2-Мавзу: Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.**

Экологик таълим. Экологик таълимнинг методологик асослари. Экологик тарбия. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш.

(2 соат)

**Ишдан мақсад:** Экологик таълим тушунчасини чуқур ўрганиш, мисоллар билан изохлаш. Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти ҳақида асосий қўникмаларни тақрорлаш. Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш бўйича қисқача ёзма реферат таёрлаш.

**Масаланинг қўйилиши:** Тингловчи амалий машғулотда келтирилган вазифаларни бажариши, таҳлил қилиши ва натижа олиши лозим.

**Ишни бажариш учун намуна:**

**1–вазифа.** Экологик таълимни изохлаш учун дафтaringизга унинг асосий йўналишларини ёзиб олинг, таърифлаб беринг.

**2–вазифа.** Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти ҳақида асосий қўникмаларни тақрорлаб хulosса ёзинг. Ўзбекистон экологик таълимни ривожлантириш концепцияси ҳақида хulosса ёзинг.

**3–вазифа.** Барқарор тараққиёт учун таълимни экологик таълим жараёнига интеграциялашни ЮНЕСКО стратегияси асосида амалга ошириш бўйича қисқача ёзма реферат таёрланг

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Кўчма машғулотлар модул соҳаси бўйича етакчи олий таълим кафедралари ва илмий-тадқиқот муассасалари лабораториялари ҳамда Олий Мажлиснинг Экология қўмиталарида, Экологик партияда, ишлаб чиқариш корхоналари бўлимларида ташкил этилади. Мазкур машғулотлар соҳага оид долзарб мавзуларда тажриба-синов ва лаборатория машғулотлари ҳамда танишув амалиёти шаклларида олиб борилади. Шунингдек, таъкидланган муассасалар ва корхоналар етакчи мутахассислари томонидан республика ва хорижий илмий марказларда соҳа йўналишида амалга оширилаётган илгор илмий ва амалий тадқиқотлар бўйича таҳлилий шарҳлар берилиши масқадга мувофиқдир.

**Кўчмама машғулот учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:**

1 мавзу: Экологиянинг предмети ва вазифалари, уларнинг экологик таълим ва тарбия тизимидаи ўрни.

2 мавзу: Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Шодиметов Ю.Ш., Калауов С.А., Усманов И.И. Актуальные проблемы экологического образования и воспитания. Экологическое образования и экологическая культура населения. 3- Международная научная конференция. Прага (Чехия) . 2015 й.

2. Шодиметов Ю.Ш. Актуальные проблемы экологического образования и воспитания в условиях современного научно-технического прогресса. XX1асирда экологик таълимнинг роли ва ўрни: техноген ишлаб чиқаришдаги экологик маммолари ва ечимлари. Республика илмий - амалий анжумани. Тошкент. 2015 й.
- 3.Коробкин В.И., Передельский А.В. Экология учебник для вузов. Феникс, 2011-600с.
- 4.H.Schutkowski. Human Ecology Biocultural Adaptations in Human Communities. © Springer-Verlag Berlin Heidelberg 2006 Printed in Germany.
- 5.Catton W. R., Danlap R. E. Environmental sociology: A new paradigm // Amer. Sociologist. 1978.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### **Мини-кейс.**

“Ёшлар ўртасида экологик таълим ва тарбия муаммолари ҳақида”

Ёшлар ўртасида эзологиян тарғибот ва ташвиқот ишлари етарлича эмас, матбуотда экологик маданиятга бағишиланган информацион материаллар кам ёритилади. Маҳаллаларда экологик таълим тарбия ишлари, айниқса экологик қонунчиликка қаратилган тадбирлар кам ўтказилади.. Бу аудиториянинг фикри.

*Бу ҳолатни қандай қилиб тузатса бўлади? Таклифингизни беринг.*

### **Мини-кейс.**

“Атмосферага ташланадиган транспорт токсикантларини билиш ҳақида” Тошкент шаҳрида бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги вақтда аҳоли ўртасида аллергик ва токсико-аллаергик касалликлар тез-тез учрамоқда. Айниқса айрим оғир металларни атмосфера ҳавосидаги миқдори нормадан ортиқ эканлиги кузатилмоқда.

*Бу ҳақда қандай фикрдасиз? Вазиятга баҳо беринг ва ундан чиқиши йўллари ҳақида нима дея оласиз?*

### **Мини-кейс.**

Аҳолини экологик билими ва маданиятини ошириш иссиқ иқлим шароитида нималарга қаратилиши керак, бу шароида қайси экологик омиллар экотизимларга кўпроқ салбий таъсир кўрсатади?

*Фикрингизни аослаб беринг?*

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишининг шакли ва мазмуни.**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўкув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чукур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари:**

1. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши.
2. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамияти.
3. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар.
4. Экологик таълим тарбиянинг методологик асослари ва ахамияти.
5. Барқарор тараққиёти учун таълим.
6. Экологик маданият.
7. Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.
8. Узлуксиз экологик таълим.
9. Экологик тарбия ва уни шакиллантиришда жамоат ташкилотларининг роли.
10. Экологик таълимда атроф мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини ўрни.
11. Экологик таълим ва тарбиянинг шакилланиш ва ривожланиш таърихи.
12. Экологик хуқуқ ва унинг экологик таълим тизимидағи ўрни.
13. Экологик таълимда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини роли.
14. Экологик таълим ва тарбиянинг долзарб масалалари.
15. XX1асирда экологик таълимнинг роли ва ўрни.
16. Экология ва бугунги кун таълимидағи экологик муаммолар.
17. Экологик таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологияларнинг роли.
18. Қишлоқ аҳолисини экологик маданиятини оширишда ўз-ўзини

бошқариш органларини роли.

19. Табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда экологик қонунчиликнинг ахамияти.

20. Талабаларнинг экологик маданиятини оширишда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг роли.

### **Битирув малакавий ишлар мавзулари.**

1. Экологик таълим фанининг таърихи ва илмий асослари.
2. Экотизимлар ҳақида тушунча ва унинг экологик таълимдаги ахамияти.
3. Экологик таълим ва ҳалқаро давлат ва нодавлат экологик ташкилотларнинг роли.
4. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш концепциясининг моҳияти.
5. Экологиянинг предмети ва вазифаларини экологик таълимда ёритилиши.
6. Экологик таълим ва тарбия орқали билиш керак бўлган асосий экологик омиллар.
7. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишнинг инновацион усулларини экологик таълимга интеграциялаш.
8. Экологик таълимнинг методологик асослари.
9. Барқарор тараққиёт учун таълим.
10. Экологик таълим ва тарбияда жамоатчиликни роли.
11. Экологик таълимнинг долзарб масалалари.
12. Ўзбекистон экологик партияси Дастурида экологик таълим ва тарбия масалалари.
13. Барқарор тараққиёти учун таълим принциплари.
14. Узлуксиз экологик таълим ва унинг ахамияти.
15. Экологик таълимнинг асосий йўналишлари ва принциплари.
16. Глобаллашув даврида экологик таълим муаммолари.
17. Экологик тарбияда жамоатчиликни роли.
18. Оммавий –ахборот воситалрини экологик таълимдаги роли.
19. Экологик таълимда инновацион-педагогик технологиялар.
20. Экологик таълимда хорижий мамлакатлар тажрибаси.
22. Экологик тълим ва тарбияда миллий қадриятларни роли.
23. Экологик таълимда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlари.

24. Экологик хуқуқий маданиятни шакиллаштириш.
25. Экологик хуқуқ ва унинг экологик таълим тизимидағи ўрни.

## VII. ГЛОССАРИЙ

**Антропоген** – (грекчада anthropos-инсон ) ўзгарган табий мухит - *кишиларнинг хўжалик фаолияти жараёнида маълум бир ҳудуд ёки чеграларда тубдан ўзгарган атроф табий мухит ҳолати.*

**Аутэкология** – (“аут” – юонча “ташқари”) алохидаги олингандарни ёки организмни бошқа организмлардан ташқари ҳолатда ва атроф табий мухит билан бўлган муносабатларини Ўрганадиган экологиянинг сохаси.

**Барқарор ривожланиш** – келгуси авлодларнинг эҳтиёжларини хавф – хатарга қўймасдан, ҳозирги даврдаги аҳолининг эҳтиёжларини қониқтирадиган аниқ ривожланиш

**Биогеосеноз** - Ернинг малум бир кенглигидаги биотоплар

**Глобал экологик муаммолар** - Умум башарий (планеталар) муаммолари

**Популятсия** - Бир хил турнинг хамжамоаси

**Синэкология**-(“син” – юонча “биргаликда”) барча тирик организмларнинг биргаликда олган ҳолда, уларнинг бир-бирлари билан ва атроф табий мухит билан бўлган муносабатлари натижасида келиб чиқадиган қонуняларини Ўрганадиган экологиянинг сохаси.

**Табиат билан диалог** - боланинг табиатга бўлган эмоционал хиссиётини ривожлантиришга қаратилган метод.

**Иқлим ўзгариши** - Камида 30йил давомида хароратни котарилиб ёки пасайиб бориши

**Коэволюция** – ўзаъро хамкорликда ривожланиш.

**Ландшафт** - ўзаро таъсир этувчи табиат ёки табий ва антропоген компонентлардан, ҳамда пастроқ таксономик табақали мажмуалардан ташкил топган табий ҳудудий мажмуа.

**Мухит** – теварак-атрофдаги ўзаро боғланишлардаги шарт-шароитлар ва таъсирлар мажмуи.

**Сиёсий экология (политэкология)** – экологиянинг мухим йўналиши бўлиб, давлат билан табиат ўртасидаги муносабатларин муюғиқлаштиришда, экологик сиёсатнинг илмий-назарий асосларини яратишда мухим рол ўйнайди.

**Табиий ресурс (захира)** – табий келиб чиқсан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ва ер ости бойликлари, атмосфера ҳавоси ва сув объектларидан кишиларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа ҳаётий зарур эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилаётган ёки шу мақсадларга мўлжалланган табиий объектлар.

**Экология** (юонча “oikos” – уй, яшаш жойи, яшаш мухити, “logos” – таълимот) – ўзаъро хамкорликда яшаётган турли хил организмларнинг бир-бирлари билан ва атроф табий мухит билан бўлган муносабатларини ва шу муносабатлар асосида келиб чиқадиган қонуняларини Ўрганадиган фан.

**Экологиянинг предмети** - тирик организмларни бир-бири ва атроф мухит

били болган муносабатлари

**Экологик машқлар** — табиат билан ўзаъро муносабатта бўлиш хақидаги билимларни ва қўникмаларни мукаммалаштиришга қаратилган доимий, тизимли харакатлар мажмуаси.

**Экологик этика** — табиий тизимлар ва улар билан ўзаъро таъсирни тартибга солувчи меъёрий -маънавий ыадриятлар мажмуаси.

**Экологик манфаат-** Қулай атроф мухитга бўлган манфаат.

**Экологик эмпатия методи** - табиий обьектларга блган ҳамдардлик ва сопереживание и сочувствие природным обьектам;

**Энвайроменталогия** – (environment –атроф мухит) атроф мухитни ўрганиш билан боғлиқ бўлган масалалар, хақидаги кенг доирадаги йўналиш.

**Энвойрементал таълим-** Атроф мухит хақидаги таълим.

**Экотизим** - Ўзаро хамкорликда яшовчи турли хил организмлар.

**Экологик индикаторлар** –табиий экотизимларнинг ҳолати, ўзгаришлари орқали (кўрсаткичлари) орқали атроф мухитни баҳолаш.

**Экологик императив** – экологик муаммоларнинг (омилларниг) таъсирини ўта мухим эканлигини, бундай муаммоларни тезкорлик билан хал этилиши кераклигини кўрсатувчи “экологик буюруқ” маъносидаги тушунча.

**Экостаз** - экотизимларнинг атроф мухит омиллари таъсири жараёнида хам нисбий турғунлигини сақлаб қолиш имкониятлари.

**Экологик хавфсизлик** – атроф табиий мухит ҳолатини организмларнинг ҳаётий зарур эҳтиёжларига жавоб бера олиши ёки инсонлар учун соғлом, тоза ва қулай табиий шароитга эга атроф мухит ҳолати. У атроф-мухитга салбий антропоген таъсирни камайтиришга йўналтирилган тадбирлар мажмуи.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг экологик ҳолатни яхшилаш ишларни таҳлил этиш масалаларига бағишлиланган йиғилиши хақидаги учрашув Баёноти. 2018.й.

1. Аничина Е.Б. Экологическое образование на уроках экологии и во внеурочное время / Е.Б.Аничина // Непрерывное экологическое образование: от дошкольного уровня до уровня повышения квалификации. - 2001. - Т.3. - С.41-43.
2. Аргунова М.В. Экология и устойчивое развитие в системе образования / М.В.Аргунова // Наука и школа. - 2009. - N 2. - С.4-7.
3. Васенина С.В. Экологическое образование - требование времени / С.В.Васенина, М.С.Солтанова, В.И.Паршикова // Инновации и технологии в школьном и профессиональном образовании. - Новосибирск, 2001. - Вып.1. - С.156-164.
4. Зотов В.В. Экологическое образование как важнейший фактор сохранения природного наследия нации / В.В.Зотов // Национальные проекты. - 2009. - N 9. - С.68-70
5. Ильченко И.А. О методологических проблемах послевузовского образования в области экологии и охраны окружающей среды / И.А.Ильченко, И.П.Егорова // Известия Южного федерального университета. Сер.: Технические науки. - 1998. - Т.9, N 3. - С.131.
6. Инновации в развитии социо-экологического образования населения. Кластерный подход: материалы всерос. с междунар. участием науч.-практ. конф., 29-30 мая 2012 г. / отв. ред. Н.П.Несговорова. - Курган: Изд-во КГУ, 2012. - 280 с.
7. Кавтарадзе Д.Н. Основы экологического мировоззрения как задача образования для устойчивого развития / Д.Н.Кавтарадзе, А.А.Брудный; М-во обр. и науки Рос. Федерации, Федер. ин-т развития образования. - М.: ФИРО, 2012. - 63 с.
8. Казначеев В.П. Научно-технический прогресс, экология и экологическое образование / В.П.Казначеев, А.Л.Яншин // Проблемы природоохранного образования и воспитания. - М., 1982. - С.7-21
9. Картамышева Н.В. Проблемы экологического образования / Н.В.Картамышева, А.К.Рычков // Философия и экологическая проблема. - М., 1990. - С.268-274.
- 10.Кочергин А.Н. Экологическое образование и воспитание в контексте современных глобальных техногенных процессов / А.Н.Кочергин // Философия образования. - М., 1996. - С.246-266.
- 11.Кочергин А.Н. Экологическое образование и воспитание в контексте современных глобальных техногенных процессов / А.Н.Кочергин // Философия образования. - М., 1996. - С.246-266.

12. Морозова Н.В. Экологизация образования как средство формирования экологической культуры / Н.В.Морозова // Фундаментальные исследования. - 2012. - N 3. - С.300-304.
13. Морони А. Междисциплинарный подход к проблемам экологического образования / А.Морони // Перспективы. - 1982. - N 1/2. - С.188-200.
14. Шодиметов Ю.Ш., Калауов С.А., Усманов И.И. Актуальные проблемы экологического образования и воспитания. Экологическое образования и экологическая культура населения. З- Международная научная конференция. Прага (Чехия) . 2015 й.
15. Шодиметов Ю.Ш. Актуальные проблемы экологического образования и воспитания в условиях современного научно-технического прогресса. XX1асирда экологик таълимнинг роли ва ўрни: техноген ишлаб чиқаришдаги экологик маммолари ва ечимлари. Республика илмий - амалий анжумани. Тошкент. 2015 й.
16. Шодиметов Ю., Холмўминов Ж. Экологик хуқуқ: Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент, 2014. 501.6.
17. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экология. Дарслик. Олий ўқув юртлари учун. (Тўлдирилган ва қайта ишланган.) 2016й. 556 б.
18. Шадиметов Ю. Ш. Экология. Учебник для вузов. 2018 г. 416 с.
19. Шадиметов Ю. Ш. Актуальные проблемы экологического образования и воспитания. Монография. Ташкент. 2018. 245 с.
20. Dawei Han. Concise environmental engineering. 2012, PhD&Ventus Publishing 175 p.
- 21 H.Schutkowski. Human Ecology Biocultural Adaptations in Human Communities. © Springer-Verlag Berlin Heidelberg 2006 Printed in Germany.
22. Catton W. R., Danlap R. E. Environmental sociology: A new paradigm // Amer. Sociologist. 1978.

### **Интернет манбалари:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www. nature.uz](http://www.nature.uz)
3. [www. natl.uz](http://www.natl.uz)
4. [www.eco.uz](http://www.eco.uz)